

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

Касбий кўникмалар

соҳасида бўйича

Гувоҳнома

Ўқитувчи Ресурслари

2-нашр



Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

Pearson ҳақида

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Уқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).

Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.

ISBN 978 1 446 96495 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

Мундарижа

Кириш	1
1-модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш	3
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	7
Дарс режаси	15
2-модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш	35
Ўқув қўлланма	35
Иш схемаси	39
Дарс режаси	51
3-модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш	71
Ўқув қўлланма	71
Иш схемаси	75
Дарс режаси	89
4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш	113
Ўқув қўлланма	113
Иш схемаси	117
Дарс режаси	127

Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома спецификациясига кўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун қўлланма;
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси;
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил қўлланмани ўз ичига оладиган дарс режалари.

Ушбу ресурс буклетдаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича қўлланма сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олинishi лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб – қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

1-модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Қуйидаги модулнинг мақсади – ишга жойлашиш ва карьерага эришиш учун зарур бўладиган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларни кўриб чиқиш. Ўқувчилар айрим лавозимларга ўзларининг яроқлиликларини баҳолай оладилар ва карьерага эришиш режаларини туза оладилар, бу ўқувчиларга ушбу лавозимларни эгаллашга ёрдам беради.

Ўқувчилар интернетга уланишлари учун шароит яратилган бўлиши керак. Модул ташқаридан таклиф этилган спикерлар туфайли яхшиланиши мумкин.

А мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар турли ишчи мажбуриятларни бажариш учун зарур бўладиган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларни инобатга оладилар. Маълумотни маҳаллий бўш иш ўринлари ва карьерали веб-сайтлар орқали олиш мумкин. Тегишли ташкилотлардан таклиф этилган спикерлар ўқувчиларга иш берувчиларни қандай малакалар қизиқтиришини тўғридан-тўғри билишларига ёрдам берадилар.

В мақсадни ўрганиш учун ўқувчиларга билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларни яхшилаш учун ёрдам сўраб мурожаат этишлари таклиф этилади. Ўқувчиларга мустақил ўрганиш ва бир қатор ёрдамчи хизмат ва материаллар билан уларни таъминлашда ёрдам бериш керак. Бу ўрганиш мактаб / коллеж ташқарисида олиши мумкин бўлган моддий ва электрон ресурсларни ўз ичига олиши лозим.

С мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар карьерани самарали режалаштириш концепцияси билан таниш бўлишлари керак. Ўқувчиларга карьеранинг намунали режалари билан танишишга ва ушбу режалар қанчалик самарали бўла олишини муҳокама қилишларида ёрдам бериш лозим. Ўзининг карьераси ҳақидаги маълумотларни айтиб бера оладиган таклиф этилган спикерлар ўқувчиларнинг иштиёқини ошириб, муваффақиятли карьерани режалаштириш зарурлигини англашга кўмаклашадилар.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

1 - модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш

Бу модул ўқувчиларга, ходимларни ишга қабул қилишда иш берувчилар талаб қиладиган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларни олишда ёрдам беради. Сўнг, ўқувчилар ўз билим, техник ва етказилувчи кўникмаларнинг самарали таҳлилига асосланиб, ушбу лавозим мажбуриятлари ва карьера мақсадлари бўйича ишлаш мумкин бўладиган карьера ўсишининг самарали режаларини ишлаб чиқиш имконига эга бўладилар.

А ўқитиш мақсади: Билим, техник усуллар ва кўникмалар иш жойидаги талабларга қандай мос келишини тушуниш.

- Ўқувчилар, иш берувчиларга одатда зарур бўладиган билим, техник ва етказилувчи кўникмаларни фарқлашни билишлари лозим. Бундай хабардорлик қуйидагилар орқали ривожланиши мумкин:
 - қабул қилиш аризалари ҳамда карьера ҳақидаги веб – сайтларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш
 - йўриқномаларни биринчи қўлдан, яъни иш берувчилардан олиш
 - жамоа тузиш ёки иш билан боғлиқ айёрликларда қатнашиш
 - шахсий анкета каби ўз – ўзига баҳо бериш воситаларидан фойдаланиш.

В ўқитиш мақсади: Иш жойида муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган ривожланиш соҳаларини аниқлаш

- Ўқувчилар карьерани самарали режалаштиришда иштирок этишлари учун ўзларининг кучли ва ривожлантириш зарур бўлган томонларини фарқлай оладиган ҳолатда бўлишлари керак. Бундай хабардорлик қуйидагилар орқали ривожланиши мумкин:
 - мактаб / коллеж ҳамда китоб ва онлайн-ресурслар ёрдамида билим, техник ва етказилувчи кўникмаларнинг ривожланиши учун имкониятларни ўрганиш.

С ўқитиш мақсади: Танланган касб учун кўникма ва малакаларни ривожлантириш режаси

- Ўқувчилар карьера ривожланишининг муҳимлигини ва карьерани самарали қилишга ёрдам берадиган кўникмаларни ривожлантиришни англашлари зарур. Бунга қуйидаги йўллар орқали эришиш мумкин:
 - иш берувчилар билан ўзаро алоқада бўлиш ёки ўз касбининг усталари иштирокидаги бирор-бир мавзуга бағишланган видеоклипларни кўриш
 - бошқа одамларнинг карьера режаларини кўриб чиқиш ва шу режаларнинг қанчалик самарали бўлиши мумкинлигининг таҳлили.

Ресурслар

<http://www.edx.org>

Мазкур сайт кўникмаларни текшириш ва халқаро ишга жойлашишни режалаштириш инструментлари ҳақидаги фойдали бўлган мақолаларни ўз ичига олади.

www.mindtools.com

Мазкур сайт шахсий мақсадларни кўйиш ва уларга эришиш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Pearson ташқи интернет- сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Ўқув соатлари	20
Дарслар сони	10
Дарслар давомийлиги	2 соат

Ўқитиш учун калитлар			
БМ	Баҳолаш машқлари	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш. Атамалар, билимлар, узатилувчи ва техник кўникмалар	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулни тақдим қилинг. Модулда кўриладиган асосий мавзулар шарҳини ва модулнинг баҳосини беринг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар билан билим, техник кўникма ва етказилувчи кўникмаларнинг маъносини муҳокама қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: умумий сўзларни аниқлаш учун иш берувчилар ишлатадиган бўш иш ўринлари веб-сайтидан фойдаланинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: топилган сўзларни муҳокама қилинг ва уларни қуйидаги гуруҳларга ажратинг: «билимлар», «техник кўникмалар» ёки «етказилувчи кўникмалар». • Таклиф этилган спикер: ташкилотда хизмат бурчларини бажариш учун керак бўладиган етказилувчи кўникмалар ҳақида гапириб бериш учун маҳаллий иш берувчидан фойдаланинг (агар маърузачиларни топиш қийин бўлса, коллежнинг ходимлар бўлими вакилини таклиф қилса бўлади.) 	Интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган қурилма. Иш берувчи – Таклиф этилган спикер сифатида.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Узатилувчи кўникмалар Билимлар ва техник кўникмалар		<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарс резюмеси. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: спецификацияда келтирилган етказилувчи кўникмаларга изоҳ беринг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар, етказилувчи кўникмалар, улар манфаатдор бўлган ишчи вазифалар билан қандай боғланганлигини аниқлаш учун карьерали веб-сайтлардан фойдаланадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчиларга билимлар ва техник кўникмалар ҳақида маълумот топишда ёрдам бериш учун кириш мумкин бўлган маълумот манбалари кўлами ҳақида гапириб беринг. 	Интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган қурилма.
3	Узатилувчи кўникмалар Билимлар ва техник кўникмалар	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарс резюмеси. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар аниқ тармоқларда иш ўринларни ўрганиб ва етказиш учун зарур билимлар ва техник кўникмаларни аниқлаб, кичик гуруҳларда ишлайдилар. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар синфда натижаларни эълон қиладилар. 	Интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган қурилма.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Узатилувчи кўникмалар Билимлар ва техник кўникмалар А ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарс резюмеси. • 1 – топшириқни баҳолаш: ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтарида 1 – топшириқни бажарадилар. 	Интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган қурилма. Баҳолаш учун иш дафтари.
5	Узатилувчи кўникмалар Билимлар ва техник кўникмалар	Мў	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарс резюмеси. • Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш: 45 дақиқали жамоавий ишда фойдаланадиган кутилаётган натижалар ва ресурсларни тақдим қилинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар гуруҳга оид топшириқни бажарадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар дарсда фойдаланадиган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларни ажратиб кўрсатинг. • Мустақил бажариш учун машқ / Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар гуруҳда бажарган топшириқларидаги ишларининг аудитини тугатадилар, кейин эса уни гуруҳ аъзолари билан муҳокама қиладилар. 	Жамоада ишлаш. Жамоавий ишни қўллаб-қувватлайдиган ресурслар. Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш воситаси.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Ўз-ўзини баҳолаш А Ўқитиш мақсадини баҳолаш (давоми)	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарс резюмеси. • Ўқитувчи бошчилигидаги намойиш: ўқувчилар ўз – ўзини баҳолаш учун фойдаланишлари мумкин бўлган усуллар тўплами, шу жумладан баҳолашнинг онлайн-воситалари билан танишинг. • Топшириқ 2 ни баҳолаш: ўқувчилар 2 – топшириқни Баҳолаш учун иш дафтарларида бажарадилар. 	Баҳолашнинг онлайн-воситаларига кириш. Баҳолаш учун иш дафтари
7	Ривожланиш соҳалари В Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарсни қайтариш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ишга жойлашишнинг қулай шароитларини оширишнинг имкони сифатида ривожланиш соҳаларини кўриб чиқишнинг муҳимлиги ҳақида. Кучсиз томонларни ривожлантиришга ёрдам бериш учун бир қатор имкониятларни татбиқ этиш. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар маҳаллий ва миллий контекстда билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларнинг ривожланиш усулларини ўрганиш учун топшириқни бажарадилар. • Баҳолаш: ўқувчилар 1 – модул, 3 – топшириқни Баҳолаш учун иш дафтарларида бажарадилар. 	Ўз – ўзини ривожлантиришни қўллаб – қувватлаш учун ресурслардан фойдаланиш. Баҳолаш учун иш дафтари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Карьеранинг ривожланиши	Мў	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарсни қайтариш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: иш ва карьера ўртасидаги фарқ ҳақида ҳамда аниқ мисоллардан фойдаланган ҳолда концепция ва карьеранинг афзалликлари ҳақида (уларнинг ўз тажрибалари, таклиф этилган спикернинг тажрибаларидан фойдаланиш ёки интернетдан олинган мавзулар бўйича видеороликлар). • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳоланадиган 2 – ва 3 – топшириқлар учун танланган ўзларининг ишчи лавозимларини кўриб чиқадилар, ўзларининг хулосаларини синфга айтишдан олдин потенциал ривожланишнинг ва ушбу лавозимда унга эришиш усулларининг тадқиқотини ўтказадилар. 	Интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган қурилма. Баҳолаш учун иш дафтари

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
9	Мақсад ва вазифаларни қўйиш С ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: олдинги дарсни қайтариш. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: узоқ муддатли мақсадлар ва мақсадлар реализми концепциясига урғу берган ҳолда, мақсадлар қўйишда ишлатиладиган асосий атамалар ҳақида. Реал ва нореал мақсадларга мисоллар келтиринг, гуруҳлардан улар реал ёки нореал гуруҳ эканликларини аниқлашларини сўранг ва сабабларини тушунтиринг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар «аниқ, ўлчаб бўладиган ва муддатли» атамалари деганда нима назарда тутилаётганини аниқлаш ва бу нима учун муҳимлигини билиш учун машқ бажарадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: реал узоқ муддатли мақсад қўйинг ва синф билан уни қандай қилиб майдароқ мақсадларга бўлиш мумкинлигини муҳокама қилинг. Мақсадлар бўлингандан кейин ҳар бир ишлатиладиган атаманинг муҳимлигини ва нима учун ривожланишни ўлчаш муҳимлигини муҳокама қилинг. • 4 – топшириқни баҳолаш: ўқувчилар 1 – модул, 4 – топшириқни ўзларининг баҳолаш учун дафтарларида бажарадилар. 	Муҳокама қилиш учун мақсадларнинг тайёрланган рўйхатлари. Луғатлар. Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	Мулоҳаза ва қайта алоқа		<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: бутун модулни қайтариш. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар модулнинг фойдали ёки фойдасиз қисмларини санаб ўтиш учун қайдлардан фойдаланишади. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: «фойдасиз» деб ҳисобланадиган жиҳатлар барибир муҳимлигини кўрсатинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар ўзларининг баҳоларига қараб қайта алоқани ўрганадилар. 	Мулоҳазаларни Баҳолаш учун иш дафтари. Қайдлар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	1

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни шартлар билан таништириш: билимлар, узатилувчи ва техник кўникмалар. • Ўқувчиларни билимлар, узатилувчи ва техник кўникмаларнинг маъносини аниқлаш учун иш берувчилар фойдаланадиган энг кўп тарқалган атамалар билан таништириш. • Ўқувчиларни иш жойида етказилувчи кўникмаларнинг амалий қўлланилиши билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш учун қурилмалар. • Таклиф этилган спикер – иш берувчи.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Модул ва унинг асосий мавзуларини тақдим қилинг. • Иш берувчилар ходимларни саралаётганда талаб қиладиган асосий талабларнинг ўқувчилар томонидан тушунилганлигини текширинг. • Модул қандай баҳоланишини тушунтиринг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • «Билимлар, техник кўникмалар ва етказилувчи кўникмалар» атамаларининг маъносини аниқланг. (10 дақиқа) • Ўқувчиларнинг фикрича, улар иш берувчилар талаб қиладиган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмалар мисолларини муҳокама қиладилар. (10 дақиқа) • Ўқувчилар, уларга керак бўладиган, иш берувчилар фойдаланадиган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларнинг маъносини аниқлашда атамаларни топиш учун маҳаллий бўш иш ўринларини ўрганадилар. (20 дақиқа) • Атамаларни гуруҳлар бўйича тақсимлаш учун ўқитувчи бошчилигида муҳокама ўтказиш: билимлар, техник кўникмалар ёки етказилувчи кўникмалар. (20 дақиқа) • Таклиф этилган спикер иш жойида етказилувчи кўникмаларнинг муҳимлигини тушунтиради. (30 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикер томонидан айтилган асосий ҳолатларнинг қисқача баёни.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – Модул: Ишни бажаришда ўз-ўзини баҳолаш
Дарс рақами	2

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни, иш берувчиларга талаб этиладиган, асосий етказилувчи кўникмалар билан таништириш. • Ўқувчиларни, аниқ иш жойлари учун зарур, билимлар ва техник кўникмалар ҳақида тушунча берадиган маълумотлар манбалари билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш учун қурилмалар.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги дарснинг асосий ҳолатларини ҳамда таклиф этилган спикер-иш берувчи томонидан овоз берилган асосий ҳолатларни муҳокама қилинг. «Билимлар, техник ва етказилувчи кўникмалар» атамалари ҳақида саволлар ва жавоблар ёрдамида билимларингизни текширинг ва хулоса қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Модул мазмунида санаб ўтилган етказилувчи кўникмалар ҳақида гапириб беринг. Атамаларнинг маъносини беришдан олдин, ҳар бир атамани ўқувчилар билан муҳокама қилинг. (20 дақиқа) • Топшириқни тақдим қилинг. Ўқувчилар карьерали веб-сайтлардан фойдаланиб, уларни қизиқтирган учта иш ўринлари учун етказилувчи кўникмаларга талабларни алоҳида ўрганадилар. (10 дақиқа) • Ўқувчилар топшириқни бажарадилар ва натижаларни синфга маълум қиладилар. (40 дақиқа) • Ўқитувчи бошчилигида аниқ тармоқларда зарур бўладиган техник кўникмалар ва билимларни ўрганиш учун ўқувчилар фойдаланиши мумкин бўлган бошқа маълумот манбаларини муҳокама қилиш. (20 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Алоҳида топшириқлар бажарилганда ўқувчилар муҳокама қилган айрим етказилувчи кўникмаларни тасвирлаш учун ўқувчиларнинг хулосаларидан фойдаланинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	3

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни иш берувчилар учун зарур бўладиган асосий етказилувчи кўникмалар билан таништириш. • Ўқувчиларни ҳар хил тармоқлар учун зарур бўладиган етказилувчи кўникмалар, техник кўникмалар ва билимларнинг умумий хусусиятлари ва фарқлари билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш учун қурилмалар.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги дарснинг асосий ҳолатлари билан бирга асосий маълумот манбаларини ҳам муҳокама қилинг. • Спецификацияда қўлланиладиган етказилувчи кўникмаларнинг маъноларига тегишли саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, ўтилган материални қайтаринг ва билимларингизни текширинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Тадқиқот фаолиятининг мақсадларини тақдим қилинг. Ўқувчиларга иккита-учта одамдан иборат кичик гуруҳларда билимларга, техник ва етказилувчи кўникмаларга бўлган талабларни кенг тарқалган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқларида тадқиқ қилиш юклатилади. Ҳар бир гуруҳ битта тармоқни ҳимоя қилиши керак. (10 дақиқа) • Ўқувчилар асосий атамаларни танлаб, уларни билимлар, техник ва етказилувчи кўникмалар сифатида аниқлаб, шу тармоқдаги ишчи лавозимларни ўрганадилар. Ўқувчиларга олдинги дарсда муҳокама қилинган бир қатор манбалардан фойдаланиш таклиф этилади. (50 дақиқа) • Ўқувчилар ўзларининг хулосаларини синфга эълон қиладилар ва тармоқлар ўртасидаги ўхшаш томонлари ва фарқларга алоҳида эътибор берадиган муҳокамани ўтказадилар. (30 дақиқа)
Яқуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Машқни бажариш жараёнида ўқувчилар ҳимоя қилган баъзи етказилувчи кўникмаларга мисол келтириш учун ўқувчиларнинг хулосаларидан фойдаланинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – Модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	4

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга баҳолаш бўйича Топшириқдан 1 – топшириқни бажаришга имкон яратиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланиш учун қурилмалар. Баҳолаш учун иш дафтари.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Ҳаракатлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Асосий атамаларни аниқлаш ва уларни иш жойида қўллаш учун саволлардан фойдаланиб, олдинги дарсларнинг асосий ҳолатларини муҳокама қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтари ва 1 – топшириқни бажариш учун ўзларининг тадқиқотларидан фойдаланадилар. Савол ёки талаблар пайдо бўлган ўқувчиларга ёрдам бериш учун тайёр тулинг.
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> 1 – топшириқни бажариш жараёни ва модулнинг бошқа қисмларини ўқитиш ўртасидаги боғлиқликни тушунтиринг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – Модул: Ишни бажаришда ўз – ўзини баҳолаш
Дарс рақами	5
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга амалий фаолият орқали билимлар, техник ва етказилувчи кўникмалардан фойдаланишга имкон яратиш. • Ўқувчиларни ўз – ўзини баҳолаш асослари билан таништириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш учун қурилмалар. • Гуруҳда бажариладиган машқларни ўтказиш учун фаоллик жадвали. • Смартфонлар ёки рақамли камералар. • Ясаш учун лой.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Билимлар, техник кўникмалар ва етказилувчи кўникмалар, ўз-ўзига баҳо бериш ва самарали ишга жойлашиш қобилияти ўртасидаги боғлиқликни муҳокама қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳларга машқларни тақдим қилинг. Ўқувчилар гуруҳда учта ёки тўртта бўлиб ишлайдилар. Ҳар бир гуруҳга жониворнинг, нарсанинг ва жойнинг номи берилади. Гуруҳларга учта нарсдан биттасининг расмини топишлари, учта нарсдан бошқасини расмини чизишлари ва қолган нарсанинг моделини лойдан ясашлари керак. Сўнг ҳар бир гуруҳ ўзлари яратган учта объектнинг кичик тарихини ёзадилар. (10 дақиқа) • Ўқувчилар гуруҳда бажариладиган топшириқни бажарадилар (45 дақиқа), сўнг ўзлари яратган объектлардан фойдаланиб, ёзган кичик ҳикояларини ўқийдилар. (10 дақиқа) • Машқни бажариш жараёнида ўқувчилар фойдаланган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларга алоҳида урғу беринг. (10 дақиқа) • Ўқувчилар, гуруҳларда машқлар бажарилгандан кейин ўзларига ва гуруҳ аъзоларига баҳо берадилар. (15 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга, уларни қизиқтирган касбларга яроқлиликларини муҳокама қилиш учун асослари борлигини кўрсатиш учун бошланғич машқда келтирилган пунктларни қайта кўриб чиқинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	6

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга баҳоланадиган 2 – топшириқни бажаришга имкон беринг. • Ўқувчиларни ўз – ўзини баҳолашнинг бир қатор усуллари билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш учун қурилмалар. • Онлайн – воситаларни ўз ичига олган ҳолда, ўқитувчи томонидан танланган ўз – ўзини баҳолаш воситалари.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўз – ўзини баҳолаш қобилияти ўқувчиларга иш жойларига талабномаларни самарали бериш имкони бўлишига эътибор бериб, олдинги дарсни қайтаринг, чунки улар иш берувчиларга билим ва кўникмаларининг намуналарини кўрсата оладилар. Ўқувчилардан олдинги дарсда жамоавий ишда кўрсатган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларга мисоллар келтиришларини сўранг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга ўзларининг асосий билимлари, техник ва етказилувчи кўникмаларини аниқлаш учун фойдаланишлари мумкин бўлган ўз-ўзини баҳолашнинг қатор усулларини тақдим қилинг. (20 дақиқа) Ўқувчилар топшириқ 2 ни ўзларининг Баҳолаш учун иш дафтарларида бажарадилар. (70 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Асосий билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларни аниқ тушуниш карьеранинг самарали ривожланишига қандай ёрдам бериши мумкинлигини тушунтиринг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	7

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга баҳоланадиган 3 – топшириқни бажаришга имкон бериш. • Ўқувчиларга билим ва кўникмаларнинг кучсиз бўлган томонларини ривожлантириш учун ўз – ўзини баҳолашдан фойдаланишнинг муҳимлигини тушунтириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш учун қурилмалар. • Ўз – ўзини баҳолашнинг натижалари. • Кутубхонадан фойдаланиш. • Маҳаллий газеталардан фойдаланиш.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга, улар нимани яхши тушунишлари ва қайси томонларини ривожлантиришлари зарурлигини энди аниқ билишлари шартлигини тушунтириб, олдинги дарсни эсланг. • Ўқувчиларни ривожлантириш зарур бўлган томонларини аниқлаш ва уларни энгиш учун стратегияларни ишлаб чиқиш – табиий ва муҳим жараён эканлиги ғояси билан таништиринг.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Асосий машқлар (90 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Битта етказилувчи кўникмани танланг ва ўқувчиларга унинг қандай ривожланишини тушунтиринг. Ривожланишнинг ҳар хил усуллари: ўқитиш, иш жойидаги иш ёки бўш вақт қўлланган мисолдан фойдаланишга ҳаракат қилинг. (10 дақиқа) • Гуруҳда бажариладиган машқни тақдим қилинг. <ul style="list-style-type: none"> ○ Ўқувчиларни қизиқишлари бўйича учта ёки тўртта одамдан иборат гуруҳларга бўлинг. ○ ҳар бир гуруҳ қуйидаги битта тоифа орқали ривожланишнинг имконларини ўрганиш учун гуруҳдан аъзоларни белгилаши керак: <ul style="list-style-type: none"> ▪ китоблар ва бошқа ёзма материаллар / ▪ интернет-тадқиқот ▪ интернетдаги билим ошириш курслари ▪ коллеждаги билим ошириш курслари ▪ волонтерлик ▪ иш ёки ишни кузатиш. ○ сўнг ўқувчилар тадқиқот устида бирга ишлаш учун қайси тоифа устида ишлашларига қараб янги гуруҳларни шакллантирадилар (масалан, китобдан фойдаланадиган ҳамма ўқувчилар бирга ишлайдилар). ○ Тадбир охирида тармоқларга бўлинган гуруҳлар ўзларининг билимлари билан бўлишиш учун яна йиғиладилар. (60 дақиқа) • Ўқувчилар ўзларининг Баҳолаш учун иш дафтарларида топшириқ 3 ни бажарадилар. (20 дақиқа)
<p>Яқуний машқ (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ўқувчиларга етказилувчи кўникмалар ҳамда билимлар ва техник кўникмаларни етказиш имконини кўрсатиш учун ҳамма гуруҳлар бажарган тадқиқотлардан олинган мавзулардан фойдаланинг. Бу – касб танлаш аниқ белгиланган йўл билан кетиши шарт эмас, деган ғояни мустаҳкамлайди.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	8
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни карьерани режалаштириш концепцияси билан таништириш. • Ўқувчиларга иш ва карьера ўртасидаги фарқни тушунтириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш қурилмалари. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Таклиф этилган спикер ёки муваффақиятга эришган одам карьерасининг баёни бор кейс – стадининг видеоси.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Бир қатор ишчи лавозимлар учун билимлар, техник кўникмалар ва етказилувчи кўникмаларнинг ўхшаш томонларига эътибор бериб, олдинги дарсни эсланг. Ўқувчилардан олдинги дарс жараёнида ўзлаштирилган билимлар, техник ва етказилувчи кўникмаларга мисоллар келтиришларини сўранг, масалан, электрон жадваллардан фойдаланиш бўйича интернет-ўқитиш саноатнинг ҳар хил тармоқларида ишлатилиши мумкин.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • «Иш» ва «карьера» атамаларини ва улар ўртасидаги фарқни тушунтиринг. (10 дақиқа) • Ўқувчилар иш ва карьерага учта мисол келтирадилар ҳамда ўзларининг саволни тушунганликларини текшириш учун уларни муҳокама қиладилар. (10 дақиқа) • ўқувчиларга, ўзининг карьерага эришишда ҳозирги даражага етгунча босиб ўтган йўли ва босқичлари ҳақида гапириб берадиган, муваффақиятга эришган одамлардан мисоллар келтиринг (кейс-стади видеоси ёки Таклиф этилган спикер орқали). Ўқувчилар ўтишнинг асосий нуқталарини белгилайдилар ва кириш нуқталарини аниқлайдилар, масалан, орттирилган тажриба, имкониятлар, малаканинг ошиши. (30 дақиқа) • Ўқувчилар шахснинг карьерага эришиш йўлини аниқлаш ва ўтиш усулларини тадқиқ қилиш учун жуфт бўлиб ишлайдилар. (20 дақиқа) • Ўқувчилар касб танлаш борасида ўзларининг шахсий танловларини кўриб чиқадилар ва карьера режасига ўхшаш, улар изма-из боришга интиладиган ривожланиш режасини тузадилар. (20 дақиқа)
Яқуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Синф билан танланган карьерага эришиш режаларини муҳокама қилинг ва кейинги дарс исталган карьера натижаларининг амалга ошиши учун самарали қадамларни қабул қилишга бағишланишини тушунтиринг. Ўқувчиларга кейинги дарс олдида улар танлаган касблар ҳақида кўпроқ билиб келишни таклиф қилинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	9
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни мақсадларни қўйиш концепцияси билан таништириш. • Ўқувчиларни мақсадларни қўйиш амалиётини қўллаш учун самарали методологиялар билан таништириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Муҳокама қилиш учун олдиндан аниқланган мақсадлар рўйхати. • Луғатлар. • Баҳолаш учун иш дафтари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Карьеранинг ривожланиш концепцияларини қайтаринг ва олдинги дарснинг мисолларидан фойдаланиб, ўқувчиларнинг «иш» ва «карьер» атамаларини тушунганликларини текширинг. Ўқувчиларни ўзларининг карьеранинг ўсиш режалари билан ўртоқлашишга қизиқтиринг ва уларга режалари бўйича асосий босқичлари ҳақида саволлар беринг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> «Мақсадлар қўйиш» атамасини ва мақсадларга эришишнинг реаллик концепциясини муҳокама қилинг. Реал ва нореал мақсадларга бир нечта мисоллар келтиринг. (10 дақиқа) Ўқувчиларга 10 та мақсадлардан иборат рўйхат беринг ва улардан қайси бирлари реал, қайси бирлари эса нореаллигини аниқлашларини сўранг. (10 дақиқа) Ўқувчиларга мақсадларни қўйишда энг яхши амалиёт – аниқ, ўлчаб бўладиган ва вақт бўйича чегараланган мақсадлар эканлигини кўрсатинг. Ўқувчилар атамаларни аниқлаш учун луғатлардан фойдаланадилар. (10 дақиқа) Мисоллардан фойдаланиб ва уни ўқувчилар охириги дарсда тузган карьеранинг режалари билан боғлаб, қисқа муддатли мақсадларни қўйишнинг муҳимлигини муҳокама қилинг. (20 дақиқа) Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтарида топшириқ 4 ни бажарадилар. (40 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар томонидан яратилган яхши ўтган амалиётнинг айрим мисолларини муҳокама қилинг ва мақсадларни қўйиш, карьерани режалаштириш ва ўз-ўзини баҳолаш – бу бир марта бажариладиган машқ эмас, балки карьеранинг ривожланишига доимий эътибор бериш, деган ғояни мустаҳкамланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	1 – модул: Иш бажаришда ўзини баҳолаш
Дарс рақами	10
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Модулда олдин тақдим этилган маълумотни қайтариш. • Ўқувчиларни карьеранинг ривожланиши учун қайта ўз-ўзини баҳолаш концепцияси билан таништириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтаридаги топшириқ ҳақидаги фикр. • Қайдлар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларнинг шу бўлимда муҳокама этиладиган билимлар ва таърифларни тушунганликларини аниқлаш учун саволлар ва жавоблар сессиясидан фойдаланиб, концепцияларни санаб ўтинг. Ўқувчиларни ўзларининг карьера режалари ва мақсадлари билан бўлишишга қизиқтиринг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар модулни биринчи кичик гуруҳларда, кейин эса алоҳида кўриб чиқадилар. Ўқувчилардан модулда улар энг фойдали ва фойдаси камроқ деб топган қисмларнинг рўйхатини ёзма шаклда, фикрларининг сабабини кўрсатган ҳолда беришларини сўранг. (20 дақиқа) Ўқувчилар мустақил равишда иккита энг фойдали ва иккита фойдаси камроқ бўлган модулларнинг қисмларини танлайдилар ва ёзадилар (фикрларининг сабаби билан бирга). Сўнг ёзувларни ҳамма ўқувчилар кўриши учун флипчартларда / доскаларда жойлаштириш керак. (10 дақиқа) Синф билан рўйхатни кўздан кечиринг ва ўқувчиларнинг жавоблар тоифасини тузинг. (20 дақиқа) Шарҳларни тоифаларга бўлинг. Ўқувчилар фойдали деб топган қисмларни мустаҳкамланг. Ўқувчиларга концепцияларни соддароқ шаклда баён қилиб ёки уларни бошқа нуқтаи назардан кўриб чиқиб, модулнинг камроқ фойдаси бўлган қисмларидан карьеранинг ривожланишида фойдаланиш мумкинлигини тушунтиринг. (20 дақиқа) Ўқувчилар ўқитувчи билан қайта алоқадан сўнг тузатишлар киритиш зарур бўлган баҳолашнинг ҳар қандай соҳасини тузатадилар. (20 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Кейинги ўрганиладиган модулга таъриф беринг ва кейинги модулнинг ушбу модулга ҳаволаларини топинг.

2-модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Қуйидаги модулнинг мақсади – мижозларга хизмат кўрсатишнинг асосий тамойилларини тушуниш. Ўқувчилар мижозларга яхши хизмат кўрсатиш ва мижозларга ёмон хизмат кўрсатиш нима эканлигини билиб оладилар ҳамда уларга мижозлар билан самарали ўзаро таъсир қилишга хизмат қиладиган бир қатор кўникма ва билимларга эга бўладилар.

Ўқувчиларнинг интернетга уланган қурилмалардан фойдаланишга шароитлари бўлиши керак. Модулни таклиф этилган спикерлар ҳисобига кучайтириш ва катта савдо маркази ёки шунга ўхшаш жойларга ҳеч бўлмаганда бир марта бўлса ҳам ташриф буюришни ташкил қилиш зарур.

А Мақсадга эришиш учун ўқувчилар мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг муҳимлигини англашлари лозим. Ўқувчилар мижозларга яхши хизмат кўрсатиш нима эканлигини ҳамда мижозларга ҳам яхши, ҳам ёмон хизмат кўрсатиш усулларининг бизнесга таъсир қилишини билишлари керак. Бу билимлар тадқиқотлар ёрдамида, онлайн-маҳсулотнинг шарҳи / хизматлар ёрдамида ёки ҳар хил шароитда мижозларга хизмат кўрсатишнинг жисмоний кузатув йўли орқали олиниши мумкин. Таклиф этилган спикерлар ўқувчиларга муваффақиятли иш юзасидан олиб бориладиган амалиётда мижозларга хизмат кўрсатишнинг муҳимлигини эшитиш имконини берадилар.

В Мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар мижозларнинг илтимослари, талаблари ва муаммолари табиатини тушунишлари керак бўлади. Ўқувчиларга мижозлар билан ишлаш тажрибалари ҳақида ўйлашни таклиф қилиш керак, ва бу – тадқиқотлар билан асосланган бўлиши ва ролли ўйин орқали кўрсатилиши мумкин

С Мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар самарали мулоқот ва вазиятни бошқариш концепциялари билан танишган бўлишлари керак. Ўқувчиларга «фаол эшитиш» атамаси остида нима назарда тутилишини амалий кўрсатиш зарур, ва улар бу кўникмаларнинг ривожланиши учун ўзаро ўқитиш сеансларида қатнашиб, ўзларининг ривожланишларига ёрдам беришлари мумкин.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

2 - Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш

Кириш

Бу модул ўқувчиларга мижозларга хизмат кўрсатишнинг тамойилларини тушунишга ва уни амалиётда қўллашга ёрдам бериши керак. Ўқувчилар мижозларга хизмат кўрсатишнинг самарали амалиёт кўникмаларини ривожлантириш учун платформа сифатида бошланғич билимларини ва тажрибаларини ишлатиш имконига эга бўлишлари керак.

А ўқитиш мақсади – Мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг муҳимлигини тушуниш

- Ўқувчилар мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг хусусиятларини ва ташкилот учун унинг афзалликларини аниқлашни билишлари керак. Ўқувчилар яна мижозларга ёмон хизмат кўрсатишнинг таъсирини англашлари зарур. Бунга бир нечта усуллар билан эришиш мумкин:
 - мижозлар билан ўзининг иш тажрибасининг таҳлили
 - мижозларга хизмат кўрсатиш муҳимлигини очиб берадиган иш берувчилардан маълумот олиш
 - хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарга ташриф буюриш ва яхши ёки ёмон натижаларни кўрсата оладиган кузатув.
- Ўқувчилар мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини ўлчаш учун ташкилотлар ишлатадиган спектр усуллари ҳақида хабардор бўлишлари керак. Бу қуйидагилар ёрдамида қилиниши мумкин:
 - сирли харидор усули орқали тадбирлар ўтказиш
 - бошқа ташкилотлар фойдаланадиган тадқиқот усуллари
 - мижозларга хизмат кўрсатиш ҳақида олинган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар таҳлили.

В ўқитиш мақсади – Мижозларнинг сўровлари, талаблари ва муаммоларини аниқлаш

- Ўқувчилар мижозларга хизмат кўрсатиш ходимлари тўқнаш келадиган умумий талаб, муаммо ва шикоятлар ҳақида билишлари лозим. Бунга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:
 - ўқувчилар мижозлар сифатида жалб қилинган бир қатор вазият ва сценарийлар гуруҳига билимларни бирлаштириш
 - амалиётнинг яхши ўтишига ҳаракат қилиш.

С ўқитиш мақсади – Мижозлар билан ижобий ўзаро тил топишиш қобилиятига эга бўлиш

- Ўқувчилар мижозлар билан ижобий муносабатларни ўрнатиш учун ўзларининг мулоқот кўникмаларини ривожлантиришни билишлари зарур. Бунга қуйидагилар ёрдамида эришиш мумкин:
 - яхши ўтган амалиётни бевосита кузатиш
 - ижобий ўзаро таъсир усулларига ўқитиш.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулга ҳаволага эга:

- 3–Модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш

Ресурслар

Веб-сайтлар

www.instituteofcustomerservice.com

Аъзолик, малака, ўқитиш ва мавзуга оид тадқиқотларни таклиф этадиган, мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича профессионал орган.

www.worketiquette.co.uk

Ишда ўзини қандай тутиш ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади; мавзулар муносабатлар ва алоқаларни қамраб олади; ресурслар мавзуга оид тадқиқотларни ва сўровномаларни ўз ичига олади.

Pearson ташқи интернет- сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга руҳсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Ўқув соатлари	20
Дарслар сони	10
Дарсларнинг давомийлиги	2 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	3 – Модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш

Ўқитиш учун калитлар			
БМ	Баҳолаш машқлари	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш Мижозларга хизмат кўрсатишни аниқлаш	МЎ/ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулга ва унинг саноатнинг турли тармоқларида ишлатилишига таъриф беринг. Ўқитиш жараёнини ва баҳолашнинг методологиясини муҳокама қилинг. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар ўзларининг мижозларга хизмат кўрсатиш тажрибаларига ва буни муҳим деб ҳисоблайдиган сабабларни ўз ичига олган ҳолда, бу тажрибалар тегишли бўлган тармоқларга таъриф берадилар. • Жуфликда бажариладиган машқлар: жуфтликлар нимани мижозларга яхши хизмат кўрсатиш ва нимани ёмон хизмат кўрсатиш, деб ҳисоблашларининг рўйхатини тузадилар ва мисоллар келтирадилар. • Таклиф этилган спикер: маҳаллий иш берувчи уларнинг соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш нимани билдиришига таъриф беради. • Якун: иш берувчи томонидан ажратилган, мижозларга хизмат кўрсатишнинг таянч жиҳатларининг қисқача баёни. 	Таклиф этилган спикер.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Мижозларга яхши хизмат кўрсатиш ва шахсий презентация	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчиларга Таклиф этилган спикер томонидан кўтарилган муаммоларни эслатинг ва мижозларга хизмат кўрсатиш доирасида ишлатиладиган таянч сўзларнинг маъноларини тақдим қилинг: <ul style="list-style-type: none"> ○ мижозлар ○ маҳсулот ○ хизмат кўрсатиш ○ одоб сақлаш ○ обрў. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар мижозларга яхши хизмат кўрсатиш намуналарини келтирадилар. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг хусусиятларини санаб ўтиш учун қайдлар ва флипчартлардан фойдаланиб, гуруҳларда ишлайдилар. • Ўқитувчи бошчилигида машқ: синфнинг ғояларини мавзулар бўйича гуруҳларга ажратинг, ўқувчиларга бунинг нима учун муҳимлигини айтиб беришларини таклиф қилинг. 	Флипчарт. Қайдлар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Жуфликда бажариладиган машқлар: ҳар бир жуфтлик мижознинг ташкилот ҳақидаги биринчи таассуротига нима таъсир қилишини аниқлайди. Улар ўз фикрларини синфнинг қолган қисми билан бўлишишиб, охириги рўйхатни тузадилар. • Якун: дарсда гапирилган таянч мавзуларни муҳокама қилинг ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг идеал муҳити учун андаза яратиб, уларни умумлаштиринг. 	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	<p>Нимага мижозларга хизмат кўрсатиш муҳим?</p> <p>Мижозларга ёмон хизмат кўрсатишнинг ва ёмон шахсий презентациянинг таъсири</p>	Мў	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: кейс-стадидан фойдаланиб, мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг хусусиятларини тушунишни баҳолаш учун саволлардан фойдаланинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар жуфт бўлиб ишлаб, истеъмолчининг яхши фикри ва истеъмолчининг ёмон фикрининг мисолларини топиш учун интернет-шарҳлар сайтларидан фойдаланадилар. Сўнг ўқувчилар бу нарса бизнесга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини муҳокама қиладилар. • Ўқитувчи бошчилигида машқ: мижозларга яхши хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун афзалликларни муҳокама қилишда спецификациядан фойдаланинг. Гуруҳлар топилган мисолларни тоифаларга бўлиб, улардан фойдаланадилар. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: гуруҳлар мижозларга хизмат кўрсатишда ҳаракатлар ва таъқиқлар рўйхатларини тузадилар ва улар билан синфнинг қолган қисми билан бўлишадилар. • Якун: маҳсулотни / хизматни қабул қилишда мижозларга яхши ва ёмон хизмат кўрсатишнинг намуналаридан фойдаланинг ва иккаласининг бизнес учун натижаларини таҳлил қилинг. 	<p>Интернетга уланган қурилмалар ва онлайн-маҳсулот ёки маҳаллий хизматлар шарҳларига кириш.</p> <p>Флипчарт учун қоғоз.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Амалда мижозларга хизмат кўрсатиш	Т	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ташриф вақтида бажариш керак бўлган машқни тақдим қилинг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: гуруҳ маҳаллий савдо марказига ташриф буюради. Жуфтликларда ишлаб, бир ўқувчи мижозларга яхши хизмат кўрсатиш намуналари бўйича, бошқа ўқувчи эса мижозларга ёмон хизмат кўрсатиш намуналари бўйича фикрларини тўплайдилар. • Якун: жуфтликлар ўзларининг кузатувларини синфнинг қолган қисми билан бўлишадилар. 	<p>Савдо марказига ташриф буюриш.</p> <p>Ўқувчиларга қуйидагиларни ўлчашга ижозат бериши мумкин бўлган ишчи варақ:</p> <ul style="list-style-type: none"> • мижозларга яхши/ёмон хизмат кўрсатиш • ташкилотнинг характери (катта / кичик / маҳаллий ва бошқалар) • мижозларнинг тахминий сони • сотиладиган маҳсулотнинг турлари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Амалда мижозларга хизмат кўрсатиш А Ўқитиш мақсадини баҳолаш	МЎ/БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчилар охириги дарсда кузатган мижозларга яхши ва ёмон хизмат кўрсатишнинг намуналарини сиз билан ўртоқлашишларини синфдан сўранг. • Ўқитувчи бошчилигида машқ: ўқувчилардан олинган маълумотларни умумлаштиринг ҳамда ташкилот тури ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг кузатиладиган тури ўртасидаги алоқани топинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: гуруҳлар, мижозларга хизмат кўрсатишнинг даражасини ташкилотлар ўлчай оладиган усулларини аниқлайдилар. • Якун: синфдан мижозларга хизмат кўрсатишнинг даражасини қандай ўлчаш ҳақидаги ғояларни олиш учун саволлардан фойдаланинг ва уларни баҳолашда 1 – ўқитишни хулосалаш учун ишлатинг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 2 – модул, 2 – топшириқни (ҳамма тўртта босқичлари) бажарадилар. 	Баҳолаш учун иш дафтари. Интернетга уланиш учун қурилмалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Талаблар, илтимослар ва муаммолар В Ўқитиш мақсадини баҳолаш	МЎ/БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: мавзу тушунилганини текшириш учун саволлар ва жавоблардан фойдаланиб, ўқитиш мақсади А ни қайтаринг. • Синфдаги муҳокама: маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида одамларда пайдо бўлиши мумкин бўлган савол турлари. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: гуруҳларга мижоз билан ўзаро таъсирнинг учта туридан биттасини беринг (талаб, илтимос ёки муаммо). Сўнг гуруҳ намуналарни топиш учун синфда муҳокама қилинган мавзуларни танлайди (мавзулар спецификациядаги рўйхатга қўшиб қўйилган бўлиши керак). • Ўқитувчи бошчилигида бажариш учун якуний машқ: мижозларнинг умумий талаб, илтимос ва муаммоларининг визуал рўйхатини тузиш учун гуруҳлардан маълумотларни олинг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 2 – Модул, 2 – топшириқ (фақат 1 – ва 2 – босқичлар) ни бажарадилар. 	Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Шикоятлар В Ўқитиш мақсадини баҳолаш (давоми)	МЎ/БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: талаб, илтимос ва муаммоларга олиб келадиган умумий соҳаларни қайтаринг. • Синфдаги муҳокама: шикоятларнинг намуналари. Уларни модул мазмунида санаб ўтилган тоифалар бўйича гуруҳларга ажратинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: шикоят билан роль ижро этувчи учта қатнашувчи (айтиб беришларсиз). Битта одам – мижоз, бошқаси – ходим, учинчиси эса шикоят қилаётган одам билан нималар содир бўлишини кузатади. Гуруҳлар шундай алмашиши керакки, ҳар бир одамда ҳамма ролларда иштирок этиш учун имконият бўлиши керак. • Ўқитувчи бошчилигида бажариш учун якуний машқ: ходим мижознинг норозилигини аниқлай оладиган усулларни умумлаштириш учун гуруҳлардан фикр-мулоҳазаларни олинг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 2 – Модул, 2 – топшириқ (3 – босқич) ни бажарадилар. 	Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	Мулоқот кўникмалари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: синф билан, одамлар норози бўлганларида, ўзларини қандай тутишлари ҳақида муҳокамани ўтказиш учун олдинги дарснинг хулосаларидан фойдаланинг. Дарснинг мақсадини эълон қилинг: мижозларнинг салбий тажрибаси таъсирини камайтириш учун алоқа кўникмаларидан фойдаланиш. • Синфдаги муҳокама: ўқувчилар билан, улар мижоз ролида шикоят қилган вазиятларни кўрсатиб, уларни муҳокама қилинг. Ходим ўзини қандай тутди ва қандай ҳаракат қилди? • Ўқитувчи бошчилигида: мижозларда сўровнинг самарали усулларига мисоллар келтиринг. Бу фаол эшитиш ва тана ҳаракати ҳақидаги мунозарага олиб келиши керак. Иложи борича кўпроқ амалий намойишлардан фойдаланинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: учта одамдан иборат гуруҳларга мижозларга хизмат кўрсатишнинг умумий сценарийсини беринг ва ўқувчилардан вазиятни қандай бошқариб, ролларни ижро этиб беришларини сўранг. Бир ўқувчи – ходим ролида, бошқаси – мижоз ролида, учинчиси эса кузатувчи сифатида қатнашадилар. «Кузатувчи» мураббий сифатида ҳаракат қилиши ва ўқитувчи бошчилигидаги презентацияда муҳокама қилинган усуллардан қачон фойдаланиш кераклигини аниқлаши керак. 	Мижозларга хизмат кўрсатишнинг баённомаси.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Якун: ўқувчиларни ўқув мақсади С ни баҳолашга тайёрлаш. Ўқувчиларни гуруҳларда ўқитиш учун мижозларга хизмат кўрсатиш баённомаси ҳақидаги маълумотни тарқатинг («Баҳолаш учун иш дафтари» га қаранг). Улар уни кейинги дарсда ишлатадилар. Мавзунинг тушунилганлигини текшириб кўриш учун, маълумотни кўздан кечиринг. 	
9	С Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ролли вазиятларни ва уларни қандай бошқариш керак эканлигини тақдим этинг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 2 – Модул, 3 – топшириқ ни баҳолаш учун ролли машқларни бажарадилар. 	Ролли ўйин ҳақидаги маълумот ёзилган иш дафтари.
10	Хулосалар ва фикр-мулоҳазалар	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: мавзунинг тушунилганини текшириш учун модулни хулосаланг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар фойдали ёки фойдасиз, деб ҳисоблайдиган модулнинг жиҳатларини аниқлаш учун қайдлардан фойдаланадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ўқувчилар кўп тармоқларда мижозларга самарали хизмат кўрсатишнинг муҳимлигини таъкидлаш учун, фойдаси камроқ деб топган модулнинг қисмлари ҳақида. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга муносабатларини билдирадилар ва модулни тугатганликларини таъкидлайдилар. 	Баҳолаш учун иш дафтари ҳақида фикр-мулоҳазалар. Қайдлар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	1
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни мижозларга хизмат кўрсатиш концепцияси билан таништириш. • Ўқувчиларни, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамма тармоқларга тегишли, деган ғоя билан таништириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикер.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг мақсадлари ва фойдаланиладиган баҳолаш усуллари муҳокама қилинг.
Асосий машқлар (100 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар ўзларининг мижозларга хизмат кўрсатиш тажрибаларини муҳокама қиладилар; улар бу тажриба қандай тармоқларга тегишли эканлигини аниқлашлари керак. Флипчартда, ўқувчилар муҳокама қиладиган тармоқларнинг рўйхатини тузинг. (10 дақиқа) • Ўқувчилар эсламаган тармоқларни муҳокама қилиб, суҳбатни кенгайтиринг. (10 дақиқа) • Синфда, олдин муҳокама қилинмаган тармоқларда, мижозларга хизмат кўрсатиш қандай амалга оширилишини очиқ мулоқотда муҳокама қилинг. (10 дақиқа) • Ўқувчилар жуфт бўлиб мижозларга яхши ва ёмон хизмат кўрсатиш намуналарининг рўйхатини тузадилар. (20 дақиқа) • Таклиф этилган спикер унинг бизнесида мижозларга хизмат кўрсатишнинг муҳимлиги ва у мижозларга яхши хизмат кўрсатишни қандай таъминлаётгани ҳақида гапиради. Муҳокама охирида ўқувчиларга саволлар бериш ва жавоблар олиш имконини яратинг. (50 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф этилган спикер таъкидлаган мижозларга хизмат кўрсатишнинг таянч жиҳатларини тақдим этинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	2

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни мижозларга яхши хизмат кўрсатиш амалиёти билан таништириш. • Ўқувчиларни биринчи таассуротнинг муҳимлиги билан таништириш. • Ўқувчиларни самарали шахсий презентация билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Қайдлар. • Флипчарт.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Бошланғич машқ (20 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқувчиларга олдинги дарсда таклиф этилган спикер томонидан кўтарилган таянч сўзларнинг маъноларини эслатинг. Улардан, модулда ишлатиладиган таянч сўзларни муҳокама қилиш учун платформа сифатида фойдаланинг: <ul style="list-style-type: none"> ○ мижозлар ○ маҳсулот ○ хизмат кўрсатиш ○ одоб сақлаш ○ обрў.
<p>Асосий машқлар (90 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● Синфда ўқувчилар, нима учун хизмат яхши кўрсатилди, деб ўйлашларини таҳлил қилиб, мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг намуналарини муҳокама қиладилар. (10 дақиқа) ● Ўқувчилар кичик гуруҳларда, уларнинг фикрича, мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг белгиси нима эканлигини ёзадилар. Бу ёзувларни синфнинг қолган қисми ҳам кўриши учун флипчартнинг марказига маҳкамлаб қўйиш мумкин. (20 дақиқа) ● Синфнинг ғояларини мавзулар бўйича саралаш. Бу мавзулар спецификациядаги элементларга тўғри келиши керак. (20 дақиқа) ● Ўқувчилар, нимага бу мавзулар мижозларга яхши хизмат кўрсатиш ва бизнесда муваффақиятга эришиш учун муҳимлиги ҳақида келишиш учун, мавзуларни гуруҳларда муҳокама қиладилар. (20 дақиқа) ● Ўқувчилар жуфт бўлиб ишлаб, ташкилот ҳақидаги биринчи таассуротни нима шакллантиришини муҳокама қиладилар. Ғояларини синф билан ўртоқлашадилар, бу вақтда сиз спецификацияда кўрсатилган тегишли мавзуларнинг рўйхатини тузасиз. (20 дақиқа)
<p>Яқуний машқ (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● Мижозларга хизмат кўрсатишнинг идеал муҳити учун андазани йиғиб, асосий мавзуларни умумлаштиринг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	3

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни мижозларга хизмат кўрсатиш амалиётида муаммолар туғдираган саволлар билан таништириш. • Ўқувчиларни мижозларга хизмат кўрсатиш, бизнеснинг муваффақиятга эришишида, нима учун муҳимлиги билан таништириш. • Ўқувчиларни мижозларга ёмон хизмат кўрсатишнинг ва бизнеснинг самарадорлигига ёмон шахсий презентациянинг таъсири билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш қурилмалари ва онлайн-маҳсулот ёки маҳаллий хизматлар шарҳларига кириш. • Флипчарт учун қоғозлар.
--------------------------	--

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Бошланғич машқ (15 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг хусусиятларини ўқувчилар томонидан тушунилганлигини баҳолаш учун саволлардан фойдаланинг. «Тематик тадқиқот» услубидаги кейс-стадидан фойдаланинг, масалан, «Агар мен кофе буюриш учун кафега кирсам, мижозларга яхши хизмат кўрсатиш қандай кўринишга эга бўлади?» Учта ёки тўртта мисоллардан фойдаланинг.
<p>Асосий машқлар (90 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар мижозларнинг яхши ва ёмон фикр-мулоҳазаларининг намуналарини топиш учун онлайн-шарҳлар сайтларидан фойдаланиб, жуфт бўлиб ишлайдилар. Улар ҳар бир турнинг камида учта фикр-мулоҳазасини топишга ҳаракат қилиб кўришлари керак. Ҳар бир вазият учун ўқувчилар бизнесга потенциал таъсирни муҳокама қилишлари зарур. (30 дақиқа) • Мижозларга яхши хизмат кўрсатишга эътибор бериб, жуфтликларнинг қайта алоқасидан фойдаланинг. Мижозларга яхши хизмат кўрсатишнинг афзалликларини ва блок мазмунида тақдим этилган шахсий презентациянинг муҳимлигини таъкидлаш учун намуналарнинг етарлича сонини аниқлашга ҳаракат қилинг. (30 дақиқа) • Уч ёки тўртта одамдан иборат гуруҳлар мижозларга хизмат кўрсатилаётганда нима қилиш мумкин ва мумкин бўлмаган нарсаларнинг рўйхатини тузадилар ва буни синфнинг қолган аъзолари билан муҳокама қиладилар. (30 дақиқа)
<p>Якуний машқ (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Бизнес учун мижозларга ёмон хизмат кўрсатишнинг оқибатларини умумлаштириш учун маҳсулотларни / хизматларни қабул қилганда мижозларга яхши ва ёмон хизмат кўрсатишнинг намуналаридан фойдаланинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	4
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни мижозларга амалиётда хизмат кўрсатиш билан таништириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Савдо маркази ёки шунга ўхшаш ташкилотларга ташриф. • Ўқувчилар учун иш варақлари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Амалий топшириқ ва ташриф вақтида амал қилиш керак бўлган соғлиқни сақлаш бўйича чора – тадбирларни тушунтиринг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқувчилар савдо марказида ёки шунга ўхшаш муҳитда жуфт бўлиб мижозларга яхши ва ёмон хизмат кўрсатишнинг намуналарини кузатиш учун ишлайдилар. Улардан бири яхши хизмат кўрсатиш учун, бошқаси эса ёмон хизмат кўрсатиш учун йўлланган. Улар мисолларни қуйидагилар билан бирга ёзиб олишлари керак: <ul style="list-style-type: none"> ○ ташкилот тури (катта, кичик, маҳаллий ва бошқалар) ○ ташриф вақтида кузатилган мижозларнинг тахминий сони ○ ташкилот томонидан сотилган товарлар / хизматлар турлари ● Жуфтликлар ўзларининг хулосаларини синфнинг бошқа аъзоларига айтадилар.
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқувчиларга ўзларининг ёзувларини / кейинги дарсга тайёрланиш вақтида йиғилган маълумотларни тартибга келтиришларига вақт ажратинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	5

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Мижозларга хизмат кўрсатиш вазиятининг вазиятга таъсирини тушунишда ўқувчиларга ёрдам бериш. • Ташкилотлар мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини қандай ўлчашлари билан ўқувчиларни таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Савдо маркази ва шунга ўхшаш жойларга келганда тўлдирилган иш варақларни ўқиш ҳуқуқи. • Баҳолаш учун иш дафтари. • Интернетга уланиш имконияти мавжуд қурилмалар.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: шакл шаблони ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар савдо маркази ва шунга ўхшаш жойларга келиб, кузатувда бўлган мижозларга яхши ва ёмон хизмат кўрсатишнинг мисоллари билан ўртоқлашадилар.
Асосий машқлар (70 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ташкилот тури ва мижозларни кузатув хизмати тури ўртасидаги алоқани топиш учун ўқувчиларнинг тўплаган маълумотларини умумлаштиринг. Масалан, заргарлик буюмлари ёки кофе каби сотиладиган товарларнинг алоҳида нархи. (20 дақиқа) Улар қатнашган тадқиқот мижозларга хизмат кўрсатишни баҳолаш усулларида бири эканлигини тушунтиринг. (10 дақиқа) Ташкилотлар мижозларга хизмат кўрсатишнинг даражасини ўлчай оладиган усулларни гуруҳлар таклиф қилиб, уларни тадқиқ қиладилар. (30 дақиқа) Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича қайта алоқани ўрнатиш учун саволлардан фойдаланиб, хулосаларни жамланг, уларни модул мазмунида кўрсатилгандек, мисоллар билан боғланг. (10 дақиқа)
Якуний машқ (40 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтарини тўлдирадилар, 1 – топшириқ.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	6

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни мижозларнинг умумий талаблари, илтимослари ва муаммолари билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолаш учун иш дафтари.
--------------------------	--

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: шакл шаблони ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич таълим (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • А Ўқитиш мақсадидаги мавзуларни такрорлаш учун саволлардан фойдаланинг.
Асосий машқлар (70 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Одамларда маҳсулотлар / хизматлар ҳақида пайдо бўлиши мумкин бўлган савол турларининг синфда муҳокама қилишга ёрдам беринг. Муҳокаманинг мавзуси ва мазмунини спецификациянинг тафсилотлари билан солиштиринг яъни талаб, илтимос ёки муаммо (20 дақиқа) • Учта ёки тўртта одамдан иборат гуруҳларга учта муаммолардан бири ажратилади – талаб, илтимос, муаммо ва улардан талаб, илтимос ва муаммоларга қуйидагиларга нисбатан мисоллар тақдим этишлари илтимос қилинади: <ul style="list-style-type: none"> ○ маҳсулот ёки хизматнинг хусусиятлари ○ иш соатлари ○ сотувдан кейинги хизмат ○ маҳсулотнинг қайтарилиши ○ нархлар, чегирмалар ва таклифлар. (30 дақиқа) • Умумий мижозлар, талаблар, илтимос ва муаммоларнинг визуал рўйхатини тақдим этиш учун гуруҳларнинг тақризларини олинг. (10 дақиқа)
Якуний машқ (40 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар 2 – Модул, 2 – топшириқ (фақат 1 – ва 2 – босқичлар) ни Баҳолаш учун иш дафтарида бажарадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	7
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Мижозларнинг шикоятларига олиб келадиган умумий муаммолар билан ўқувчиларни таништириш. • Мижознинг норозилигига сабаб бўладиган хулқ-атвор билан ўқувчиларни таништириш
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтари. • Роль ўйнаш учун материаллар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: шакл шаблони ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги дарсдаги талаб, илтимос ва муаммоларни такрорланг.
Асосий машқлар (70 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар шикоят қилганларини ёки кимдир шикоят қилганини кўрганларини синфда муҳокама қилинг (дарснинг бу қисмини бойитиш учун видеоклиплар ишлатилиши мумкин). Блок мазмунида кўрсатилган муаммолар турида кўтарилган саволларни гуруҳларга ажратинг (20 дақиқа) • Учта одамдан иборат гуруҳ одатдаги вазиятларни (айтиб беришларсиз) роль ўйнаб, унда кимдир норози эканлиги ва у шикоят қилишга мажбурлигини кўрсатадилар. Бир ўқувчи – шикоятчи, бошқаси – ходим сифатида ҳаракат қиладилар, учинчи ўқувчи эса «мижоз» кўрсатган ҳар бир вазиятдаги хулқ-атвор ва тана ҳаракатини кузатиб, ёзиб боради. Ҳар бир одамда ҳар бир роль учун вақт борлигини кафолатлаш учун гуруҳлар алмашадилар. Сўнг натижалар муҳокама қилинади. (40 дақиқа) • Гуруҳда қайта алоқани ўрнатинг ва ходим, одамнинг норози бўлганлигини қандай билиши мумкинлигига қисқача таъриф беринг (10 дақиқа)
Якуний машқ (40 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтарида 2 – Модул, 2 – топшириқ (3 – босқич) ни бажарадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	8
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни мижозлар билан ижобий ўзаро алоқасининг усуллари билан таништириш. • Ўқувчиларни муаммоли вазиятларни бошқариш стратегиялари билан таништириш.
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: шакл шаблони ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Синф билан, мижозлар норози бўлганларида, аҳволлари қандай бўлиши ҳақида мунозара ўтказиш учун олдинги дарснинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланинг. Дарснинг мақсадини – мижозларнинг салбий тажрибаси таъсирини камайтириш деб номланг.
Асосий машқлар (80 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар билан, улар шикоят қилганларида ижобий натижага эришганликлари ҳақидаги мисоллар билан ўртоқлашишларини сўраб, шу ҳақда муҳокама ўтказинг. Ўқувчилар бу вазиятларда ходим ўзини қандай тутиши ва вазиятни қандай бошқариши ҳақида ўйлашлари керак. (10 дақиқа) Сўровнинг мисоллар билан самарали усулларини ҳамда фаол эшитиш ва тана ҳаракатининг муҳокамаларини ўтказинг. Бундай вазиятларга тўқнаш келганларида, ўқувчилар нимани ҳис қилган бўлар эдилар, шуни улардан айтиб беришларини сўранг. (40 дақиқа) Учта ёки тўртта одамдан иборат гуруҳда мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги одатдаги вазиятни кўриб чиқинг. Сиз ҳозир кўрсатиб ўтган усуллардан фойдаланиб, гуруҳларни қийин вазиятларга жавоб топишларини сўранг. Олдинги дарсдагига ўхшаш тизимни қўлласа бўлади: бир ўқувчи мижоз сифатида, бошқаси – ходим сифатида, учинчиси эса кузатувчи сифатида иштирок этадилар. Кузатувчи, усулларни қачон қўлланишини аниқлаб, ёки улардан қачон фойдаланиш мумкинлигини маслаҳат бериб, мураббий сифатида ҳаракат қилиши керак. (30 дақиқа)
Якуний машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни С ўқитиш мақсадини баҳолашга тайёрлаш. Гуруҳларда ўқитиш учун ўқувчиларга Ўқув қўлланмадан мижозларга хизмат кўрсатиш баённомасини тарқатинг. Ўқувчилар ундан кейинги дарсда фойдаланадилар. Ўқувчиларнинг тушунганликларини текшириб кўриш учун, маълумотларни кўриб чиқинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	9

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Амалий ролли вазиятларда ўқувчиларни баҳолаш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Роль ўйинлари учун карточкалар ва ўқувчиларларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш учун кузатиш ёзувларига эга баҳолаш учун иш дафтари.
--------------------------	--

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: шакл шаблони ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни ролли вазиятлар билан таништиринг ва уни қандай бошқаришни билиб олинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолаш: 2 – Модул, 3 – топшириқ. Ўқувчилар йўриқнома ва ролли карточкалардан фойдаланиб, ролли ўйинларни ўтказадилар. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш учун баҳолаш учун иш дафтаридаги кузатувлар қайдномаларидан фойдаланинг. Баҳоланмайдиган ўқувчиларни гуруҳлардаги ролли ўйинлар амалиётига жалб қилишда рағбатлантириш керак.
Яқуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ролли ўйин ҳақида, яна, агар улар зарур малакаларни кўрсатмаган бўлсалар, ролли ўйиннинг бирорта сценарийсини яна қаерда кўриб чиқиш керак бўлиб қолиши ҳақидаги фикр – мулоҳазаларингизни қолдирилинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш
Дарс рақами	10
Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг хулосаларини чиқариш
Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш ҳақида тақризлар. • Қайдлар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: шакл шаблони ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни ўзларининг қарашлари билан ўртоқлашишларини рағбатлантириб, шу бўлимда муҳокама қилинадиган концепцияларни санаб ўтинг. Ўқувчиларнинг олган билим ва мақсадларни тушунишларини текшириш учун саволлардан фойдаланинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар курсни кичик гуруҳларда кўриб чиқадилар. Шарҳда улар модулнинг кўпроқ ёки камроқ фойдали деб топишган қисмларини санаб ўтишлари ва фикрларининг сабабини ёзма равишда тушунтириб беришлари керак. (20 дақиқа) Якка тартибда ишлаб, ўқувчилар блокнинг иккита кўпроқ ва иккита камроқ фойдали қисмларини танлаб, уларни ёзадилар (фикрларининг сабабини кўрсатиб); сўнг бу ёзувлар, уларни ҳамма ўқувчилар кўриши учун, флипчартларга / доскаларга илиниши керак. (10 дақиқа) Ёзувларни синф билан ўқиб, ўқувчилар жавобларининг тоифасини яратинг. (20 дақиқа) Ўқувчилар фойдали деб топган соҳаларни кучайтириш учун тоифалардан фойдаланинг ва улар фойдасиз деб топган соҳалар ҳам нима учун муҳимлигини тушунтиринг. (20 дақиқа) Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни эшитгандан кейин, ўқувчилар ўзгартириш киритишни талаб қиладиган баҳолашнинг ҳар қандай соҳасини тўғрилашади. (20 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Кейинги модулга таъриф беринг ва модулга хулоса ясанг.

3-модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш

Ўқув қўлланма

Модул билан таништириш

Бу модулнинг мақсади – алоҳида ишчилар ва ташкилотлар учун ишдаги яхши муносабатларнинг муҳимлигини ўқувчиларга тушунтириш. Ўқувчилар бу ўзаро муносабатларнинг муҳимлиги ҳақида билимлар оладилар ва иш жойида самарали ўзаро муносабатларни шакллантириш учун зарур бўлган мулоқот кўникмаларини ривожлантирадилар.

Ўқувчиларда интернетга уланган қурилмалардан фойдаланиш имконияти бўлиши керак. Модул гуруҳнинг бир қатор амалий ҳаракатларидан фойдаланиш ҳисобига кучаяди.

А Мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар ҳамкасблар билан ишдаги яхши муносабатларнинг муҳимлигини тушунишлари керак. Бунга ўзаро ҳаракатнинг самарали ва самарасиз амалиётларини фарқлаш имкониятини ўқувчиларга берадиган, янги масалаларга асосланган, амалий, гуруҳлар бажарадиган машқлар ёрдамида эришиш мумкин.

В Мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар ишдаги яхши муносабатларнинг ривожланиши учун уйғунлашадиган билим ва малакаларни олишлари шарт. Ўқувчилар низо ва уларни ҳал қилиш тушунчалари билан таништирилишлари лозим. Бунга низоли вазиятларни ва вазиятни ҳал қилиш учун қўлланиладиган стратегияларни муҳокама қилиш йўли орқали эришиш мумкин.

С Мақсадни ўрганиш учун ўқувчилар уларга ишдаги яхши муносабатларни ривожлантиришда ёрдам берадиган бир қатор амалий кўникмаларни билиб олишлари лозим. Бу кўникмаларни тажриба ва узоқ муддатли (мультисессияли) гуруҳ бажарадиган иш орқали ривожлантириш мумкин.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

3 - Модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
<p>Кириш</p> <p>Бу модулда ўқувчилар ишдаги яхши муносабатларни қандай фарқлаш ва улар ташкилотлар ва айрим шахсларга қандай фойда келтиришини, бу муносабатлар қандай ривожланиши мумкинлигини билиб оладилар, низо сабаблари ва уларни қандай ечиш ҳақида суҳбатлашадилар.</p>
А ўқитиш мақсади - Ҳамкасблар билан яхши меҳнат муносабатларнинг муҳимлигини тушуниш
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар ишдаги яхши муносабатларнинг хусусиятларини билишлари лозим. Бунга, ўқувчиларга самарали ва самарасиз стратегияларни фарқлашга ёрдам берадиган, гуруҳда бажариладиган амалий машқлар орқали эришиш мумкин. Бу ўқувчиларга, нима учун ишдаги яхши муносабатлар иш жойида фойда келтиришини тушунишга ёрдам беради. • Ўқувчилар ёмон муносабатлар ва хулқ-атворнинг ишдаги муносабатларга таъсирини фарқлашга қодир бўлишлари керак. Бунга гуруҳни дисфункционал қиладиган вазиятлар мавжуд бўлган, гуруҳда бажариладиган машқлар орқали эришиш мумкин.
В ўқитиш мақсади - Яхши меҳнат муносабатларни қандай ривожлантиришни билиш
<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар ишдаги муносабатларни яхшилаш ва ривожлантириш учун стратегияларни фарқлашни ва улардан фойдаланишни билишлари керак. Бунга қуйидаги йўллар орқали эришиш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> ○ мулоқот табиатини ва одамлар кўникмаларини акс эттирадиган ўқув тақдимотлари ○ бу кўникмалардан фойдаланишга ёрдам берадиган амалий машқлар. • Ўқувчилар низоли ва потенциал низоли вазиятларни фарқлашга қодир бўлишлари керак. Бунга қуйидаги йўллар орқали эришиш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> ○ ўқувчиларга низоли ва низолини ечиш усулларини кўрсатадиган видео-йўриқномалардан фойдаланиш ○ шахсий тажрибадаги низоли вазиятлар ҳақида мулоҳазалар.

С ўқитиш мақсади – Яхши меҳнат муносабатларини ўрнатиш учун зарур кўникмаларни намойиш этиш.

- Ўқувчилар муносабатлар ва мулоқот кўникмаларини самарали фарқлаш ва қўллашни билишлари керак. Бу кўникмалар жамоадаги амалий иш орқали амалда қўлланилиши ва ривожлантирилиши лозим.
- Ўқувчилар амалий фаолият таҳлилининг муҳимлигини англашлари керак. Бунга жамоа аъзолари билан қайта алоқа ўрнатиш мумкин бўлган амалий машқлар ҳақида мулоҳазалар юритиш имкониятлари ҳисобига эришиш мумкин.

ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулга ҳаволаларга эга:

- 2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш

Ресурслар

Веб-сайтлар

<https://www.huddle.com/blog/team-building-activities/>

Тимбилдинг учун ғоялари мавжуд бўлган сайт.

Pearson ташқи интернет- сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Ўқув соатлари	30
Дарслар сони	15
Дарсларнинг давомийлиги	2 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	2 – Модул: Мижозларга хизмат кўрсатиш

Ўқитиш усулига калитлар			
БМ	Баҳолаш машқлари	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Жамоавий иш тажрибаси		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: модулнинг хусусиятини ва уни баҳолашни таърифланг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: камида тўртта ўқувчидан иборат гуруҳга газета (ёки журнал), ёпишқоқ лента ва арқон берилади. Улар катта ўйинчоқ машинани бир дақиқа ичида кўтариб турадиган метрли тирқиш орқали кўприк яшашлари керак. • Синфдаги муҳокама: машқ қандай бажарилганлиги ва у қанчалик самарали бўлганининг муҳокамаси; А1 ва А2 спецификациясидаги асосий сарлавҳалардан фойдаланинг • Якун: дарснинг асосий хулосаларини умумлаштириш. 	<p>Газета \ журнал ёки шунга ўхшаш нарсалар.</p> <p>Катта ўйинчоқ автомобиль.</p> <p>Ёпишқоқ лента.</p> <p>Арқон</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Муаммолар, тўсиқлар ва ишдаги самарали стратегияларни аниқлаш учун гуруҳ фаолиятини шарҳлаш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: олдинги дарсни такрорлаш. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: олдинги дарсдаги гуруҳлар жамоавий топшириқнинг яхши ишлаб кетган ҳамда яхши ишлаб кетмаган жиҳатларини ўрганадилар • Синфдаги муҳокама: айрим гуруҳларнинг тақризларини бирлаштирувчи мунозара. Ундан яхши ишлаб кетган жиҳатлар ва яхши ишлаб кетмаган жиҳатлар рўйхатини тузишда фойдаланиш лозим. • Жуфликда бажариладиган машқлар: гуруҳда ишлаш учун «асосий қоидалар» ни яратиш мақсадида тузилган рўйхат ва мавзунинг яхши ишлаб кетган ва яхши ишлаб кетмаган жиҳатларини кўздан кечиринг. • Ўқитувчи бошчилигида бажариладиган машқ ва хулосалар: кичик гуруҳларда ишлашда асосий қоидалар тақдимотини ўтказинг, ишдаги яхши муносабатлар, ёмон муносабат ва хулқнинг омилларини ажратиш учун бўлим мазмунидан фойдаланиб, уларни йиғинг. 	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Ишдаги яхши муносабатларнинг характеристикаси А Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БФ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ишдаги муносабатларни нималар яхшилайти ва уларни самарали бўлишига нималар халақит қилишини олдинги дарсларнинг натижаларидан эсланг. • Ўқитувчи бошчилигида тақдимот: ишдаги яхши муносабатлар нималарни келтириб чиқариши ҳақида. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчиларга қуйидаги машқни беринг – ўқувчилар, тухум биринчи қават деразасидан тушаётганда, унинг ушлаб қолинганига ва амортизацияланганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Тухум одам томонидан олиб ўтилиши ёки пастда тутиб олиниши мумкин эмас. Гуруҳ, уларга берилган материаллардан фойдаланиб, тухумни ҳимоя қилиши керак. Атайлаб гуруҳ ўлчамини бошқариб туринг – битта одам бир ўзи ишласин, бошқалари эса олтига одамгача бўлган ҳар хил ўлчамли гуруҳларда ишласин. Ҳар бир гуруҳда тест учун фақатгина битта тухум бор, лекин сўнгги топшириқ учун уларга яна битта тухум берилади. Ўқувчилар ўзларининг ютуқ ва муаммоларини қандай муҳокама этишларини кузатинг. • Ўқитувчи бошчилигида тақдимот: ишдаги самарали муносабатлар афзалликларини аниқлаш учун гуруҳ динамикасига асосланиб, қўрганларингизни умумлаштиринг 	<p>Битта гуруҳга иккитадан тухум.</p> <p>Фольга, қоғоз, ёпишқоқ лента, пластик, карточкалар каби бошқа хилма-хил материаллар.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> • Яқун: Модул мазмунидан фойдаланиб ва саволлар бериб, хулосалар қилинг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар ўзларининг баҳолаш учун иш дафтарларида 1 – топшириқни бажарадилар. 	

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Жамоанинг натижасига ёмон муносабатларнинг таъсири		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: савол ва жавоблардан фойдаланиб, олдинги дарсни мустаҳкамланг. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар, жуфт бўлиб, жамоа ишининг унумли бўлишига ёмон ўзаро муносабатларнинг таъсирини аниқлайдилар ва қолган ўқувчилар билан қайта алоқани ўрнатадилар. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: тўртта одамдан иборат олдиндан аниқланган гуруҳларга бошқотирмалар тарқатилади (50 та пазллардан иборат). Дарсдан олдин гуруҳнинг битта аъзосига қутичанинг ичидан бир қанча пазллар берилади, лекин бошқалар буни билмайдилар. Ўқувчиларга пазлни тугатиш учун 45 дақиқа бериш керак. Ўқувчи етишмаётган қисм унда эканлигини ва қачон кўрсатиш кераклигини ўзи ҳал қилиши керак. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар бу машқ ҳақидаги фикрларини ёзишлари керак. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: жамоалар, уларнинг иши унумли бўлиши учун нима халақит берганлиги ҳақида гапириб беришлари лозим. • Ўқитувчи бошчилигида бажариладиган машқ: А2 мавзусининг мазмуни бўйича тақдимот билан қатнашинг, лекин ўқувчи ва гуруҳларни гуруҳли машқдаги мисоллардан фойдаланишга рағбатлантиринг. • Якун: спецификациянинг мазмунига нисбатан дарсга қилинган қайдларни умумлаштириш. 	<p>50 та предметдан ташкил топган бошқотирмалар - пазллар (битта гуруҳга биттадан).</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Ишдаги яхши муносабатларнинг ривожлантириш усуллари		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ишдаги яхши муносабатларга олиб келадиган омиллар ҳақидаги саволларни муайян структурага келтириш учун олдинги дарс хулосаларидан фойдаланинг. • Ўқитувчи бошчилигида тақдимот: ўқувчилар ишдаги яхши муносабатларни ривожлантириш учун нима қила олишларини аниқлайдилар. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: гуруҳларда ўқувчилар ишдаги муносабатларни ривожлантириш учун асосий ёрдам берувчи сўзларни ўрганадилар. Ҳар хил ўқувчилар рўйхатдаги ҳар хил мавзуларни тадқиқ қилишлари керак (ҳамма мавзулар қамраб олиниши шарт): <ul style="list-style-type: none"> ○ биринчи таассуротларнинг пайдо бўлиши ○ шахсий ва ишдаги муносабатларни бошқариш ○ бошқаларнинг кўникмалари ва қобилиятларини тан олиш ○ бошқалар билан мулоқот. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар, ишдаги самарали муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва синфнинг бошқа аъзолари билан ўртоқлашиш учун, ўнта энг яхши нарсаларнинг рўйхатини тузиш мақсадида йиғилишади. • Тақдимот ва ўқитувчи бошчилигида бажариладиган якуний машқ: . Асос сифатида В1 модулнинг мазмунидан фойдаланган ҳолда, гуруҳли мунозаранинг синтези. 	Интернетга уланиш имкони мавжуд бўлган қурилма.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	Бошқалар билан самарали ишлаш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: олдинги дарсни яқунлаш ва хулосалаш учун саволлардан фойдаланинг. • Ўқитувчи бошчилигида тақдимот: олдинги амалий машқдаги мисоллардан фойдаланиб, В1 даги бутун маълумотни қамраб олинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар шляпаннинг ичидан гуруҳ рақамларини олиб, тасодифий гуруҳларга бўлинадилар. Ўқувчиларга спагетти ва зефирдан энг баланд ва мустаҳкам минора қуриш топшириғи берилади. Тадбирни режалаштиришда гуруҳлар олдинги дарсда ўрганганларини қўллашлари керак. • Мустақил бажариш учун машқ: топшириқдан кейин ўқувчиларга мустақил ўйлашга вақт берилади. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: нима яхши ўтди, нима яхши чиқмади, ўқитувчи томонидан қандай кўникмалар берилган эди, лекин улардан фойдаланилмади, деган саволларни муҳокама қилиш учун гуруҳлар бирлашадилар. • Тақдимот ва ўқитувчи бошчилигида бажариладиган якуний машқ: В1 модулининг мазмуни билан боғлиқ бўлган, гуруҳларда машқ ҳақидаги шахсий кузатувларингиз билан ўртоқлашинг. 	<p>Зефир * ва спагетти (гуруҳга ҳар биридан бир пачкадан) битта қўшимча набори билан.</p> <p>* Зефирнинг ўрнига бошқа мос ўрнини босувчиларни ишлатса бўлади, масалан, қуритилган анжир ёки хурмо.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
7	Низолар ва уларни бошқариш		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: низоли вазиятларга олиб келган, гуруҳларда ҳозиргача бажарилган машқлардаги намуналардан фойдаланинг. Бу низоларга мисол бўладиган видеоклиплар орқали тасдиқланиши мумкин. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар низоларнинг потенциал сабаблари ва уларни самарали бартараф этишнинг усулларига урғу бериб, ўзлари қатнашган гуруҳга оид низоли вазиятларни муҳокама қиладилар. Сўнг улар ҳақида синфнинг қолган ярмига гапириб берадилар. • Ўқитувчи бошчилигида бажариладиган машқ: низоларнинг умумий сабаблари ва уларни ҳал этиш усулларини кўрсатиш учун жуфт машқлар ҳақидаги фикрларни умумлаштиринг. • Ўқитувчи бошчилигида тақдимот: низолар ва улар ечимининг умумий сабаблари тўғрисидаги тақдимоти учун В2 модулининг мазмунидан фойдаланиш. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: учта ўқувчи бўлиб, гуруҳли топшириқлардаги низоларни муҳокама қиладилар, потенциал сабаблар қандай бўлган ва вазиятни юмшатиш учун нимани бошқача қилиш мумкинлигини аниқлайдилар. • Якун: низоларни ҳал қилишдаги бешта энг яхши саволлар ва ножоиз саволлар рўйхатини тузинг. 	Низолар ва уларни ҳал қилишнинг видео-намуналари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	В Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 3 – Модул бўйича топшириқни ўзларининг Баҳолаш учун иш дафтарларида бажарадилар. 	Баҳолаш учун иш дафтари.
9	Одамлар билан мулоқот кўникмалари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: олдин гуруҳлар муваффақиятли ишлагандаги мисоллардан фойдаланиб, одамлар билан мулоқотнинг яхши кўникмалари ишдаги самарали муносабатларни қандай белгилаб беришига таъриф беринг. • Ўқитувчи бошчилигида тақдимот: ишдаги муносабатларда мулоқотнинг умумий фони ва унинг таянч таркибий қисмларининг таърифи. • Жуфликда бажариладиган машқлар: ўқувчилар жуфт бўлиб синф учун мулоқотнинг самарали кўникмалари умумлашган плакатлар ишлаб чиқадилар. • Синфдаги муҳокама: плакатларда нима етишмаётганлигини ёки нима айниқса фойдали эканлигини аниқлаш учун муҳокама қилинади. • Ўқитувчи бошчилигида машқ: самарадорлик шарҳи ва келажакдаги ривожланиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар келтириб чиқарадиган афзалликларни муҳокама қилинг. Синф, гуруҳларда ишлаш учун шу турдаги маълумотларни йиғишда фойдаланиш мумкин бўлган усулларни таклиф қилади. • Якун: модулни ўрганишда олинган асосий билимларни баҳолаш ва амалда синашдан олдин умумлаштириш. 	Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма. Постерларни ишлаб чиқарадиган ускуна.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
10	Мулоқот кўникмаларининг амалиёти	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ишчи гуруҳлар ташкил этинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчиларга, мактаб сайтидан тасвирлар тўплаб, уларни реклама учун кадр йиғишга ундайдиган «Ҳазиналар қидириш» топшириқ – ўйинини тақдим этинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар олдинги дарсда муҳокама қилинган усуллардан фойдаланиб, топшириқ устида ишлайдилар. • Якун: ўқувчилар 11 – дарсда кўриладиган баҳолаш машқларида нимани намойиш этишлари лозимлиги ҳақида қисқача маълумот беринг. 	«Ҳазиналар қидириш» ўйини учун жиҳоз. Фотосуратларни чиқарадиган ва таҳрир қиладиган жиҳозлар.
11	Амалий кўникмалар С ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: ўқувчиларга машқни тушунтиринг ва уларни жамоаларга бўлинг. Ҳар бир жамоага улар қайси шўъбада ишлашларини айтинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтарида 3 – топшириқ учун баҳолаш устида ишлайдилар. 	Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма. Матнларни қайта ишлаш учун дастурий таъминот. Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
12	Амалий кўникмалар С ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: машқларни тугатишга таъсир қилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқланг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 3 – топшириқ учун баҳолаш устида ишлайдилар. 	Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма. Матнларни қайта ишлаш учун дастурий таъминот. Баҳолаш учун иш дафтари.
13	Амалий кўникмалар С ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: машқларни тугатишга таъсир қилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқланг. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар 3 – топшириқ учун баҳолаш устида ишлайдилар. 	Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма . Матнларни қайта ишлаш учун дастурий таъминот. Баҳолаш учун иш дафтари
14	Шарҳлаш ва баҳолаш С ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: гуруҳ бўлиб ва яқка тартибда бажарилган фаолият ҳақидаги қайта алоқани таъминланг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар гуруҳ аъзолари учун қайта алоқа варақларини тайёрлайдилар ва масалани гуруҳ бўлиб муҳокама қиладилар. • Баҳолаш машқлари: ўқувчилар баҳолаш дафтарларида 3 – топшириқни кўриб чиқишни тугатадилар. 	Баҳолаш учун иш дафтари.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
15	Модул шарҳи	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Саволлар – жавоблар сессияси: модулни якунлаш. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: ўқувчилар фойдалироқ ва фойдаси камроқ деб ҳисоблайдиган блокнинг жиҳатларини идентификация қилиш учун Қайдлардан фойдаланадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: ҳамкасблар билан ишдаги самарали муносабатларнинг муҳимлигини яна бир марта таъкидлаш учун, ўқувчилар фойдаси камроқ деб топишган жиҳатларни муҳокама қилинг. • Мустақил бажариш учун машқ: ўқувчилар баҳолаш ҳақидаги тақризларга ўз муносабатларини билдирадилар ва модулни тугаганини тасдиқлайдилар. 	Баҳолаш дафтари ҳақидаги тақризлар. Қайдлар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – Модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	1

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни модулнинг мақсадлари ва баҳолашнинг методологияси билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Газета (ёки журнал). • Катта ўйинчоқ автомобиль. • Ёпишқоқ лента. • Арқон.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Модул мақсадларини ва баҳолаш усулларини тушунтириш.
Асосий машқлар (100 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Жамоада ишлаш учун йўриқнома билан таништиринг ва улар учун ишчи гуруҳлар тузинг. Энг яхшиси – жамоаларни тасодифий равишда танлаб олиш. (10 дақиқа) • Тўрт одамдан кам бўлмаган гуруҳ ўқувчиларига қуйидагилар берилади: <ul style="list-style-type: none"> ○ газета (ёки журнал) ○ ёпишқоқ лента ○ арқон ○ катта ўйинчоқ машина. • Ҳар бир гуруҳ бир уриниш орқали катта ўйинчоқ машинани бир дақиқа ичида кўтариб тура оладиган бир метрли кўприк қуриши керак. Машқни ўтказинг ва муҳокаманинг асосий жойларини кейинги таъриф учун ёзиб боринг. (60 дақиқа) • Машқ қандай бажарилганлиги ва қанчалик самарали бўлганлигининг муҳокамаси. (10 дақиқа) • Ўқувчилар учун қайта алоқани шакллантириш мақсадида модул мундарижасидаги асосий сарлавҳалардан фойдаланинг ва қуйидагиларни муҳокама қилинг: <ul style="list-style-type: none"> ○ ўзаро ҳурмат ва яхшилик истаб қилинадиган ҳар хиллик ○ ҳамкасбларга ишонч ○ самарали мулоқот ○ муносабат ва хулқ. (10 дақиқа)
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳнинг самарадорлигига таъсир қиладиган ҳар хил омилларнинг таъсирини ва топшириқ бажарилгандан кейин асосий кузатишларни тақдим этинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	2

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни ишдаги яхши муносабатларнинг хусусиятлари билан таништириш. • Ўқувчиларни ишдаги яхши муносабатларнинг афзалликлари билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги амалий машғулотда ёзилган қайдлар.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги дарсда бажарилган машқни эслаб, гуруҳли ва якка тартибда бажарилган ҳаракатларнинг асосий жойларини ажратинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги дарсдаги гуруҳларнинг ўқувчиларидан ишлаб кетган ва ишлаб кетмаган жамоавий топшириқнинг жиҳатларини кўздан кечиришларини сўранг. (30 дақиқа) • Гуруҳ фаолиятида яхши ишлаган ва ишламаган жиҳатларнинг рўйхатини тузинг ҳамда синф билан муҳокама қилинг. (30 дақиқа) • Ўқувчилар жуфт бўлиб гуруҳ фаолиятида яхши ишлаган ва ишламаган жиҳатларнинг рўйхатини кўриб чиқадилар. (30 дақиқа)
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга кичик гуруҳларда ўзини қандай тутиш ҳақида презентация қилишни таклиф этинг. Модул мазмунидан фойдаланиб, ишдаги муносабатларни нима яхшилайти, қандай ўзаро муносабатлар ва хулқ ишдаги муносабатларни бузишини аниқланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3-модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	3

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни ишдаги яхши муносабатларнинг хусусиятлари билан таништириш. • Ўқувчиларга баҳоловчи 1 – топшириқни бажариш учун имконият бериш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Битта гуруҳга иккита тухум. • Фольга, қоғоз, ёпишқоқ лента, пластик, карточкалар каби бошқа материаллар.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ишдаги муносабатларни нима яхшилайти ва уларнинг самарали бўлишига нима халақит беришини таърифлаш учун олдинги дарснинг натижаларини эсланг.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Асосий машқлар (90 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● Ишдаги яхши муносабатларнинг тавсифларига бағишланган модул спецификациясининг бутун мазмунини қамраб оладиган презентация қилинг. Сиз олдинги машқларда гуруҳларда кўрилган ижобий мисолларга таянишингиз керак. ● Ўқувчилар олдида биринчи қават ойнасидан тушаётган тухумнинг амортизацияси ва бутунлигини таъминлаш масаласини қўйинг. <ul style="list-style-type: none"> ○ Битта одам бир ўзи, бошқалари бир нечта одам бўлиб ишлашлари учун гуруҳларнинг катта-кичиклиги ҳар хил бўлиши керак. ○ Ҳар бир гуруҳда тест ўтказиш учун фақат битта тухум бўлиши керак. Якуний топшириқни бажариш учун уларга яна битта тухум берилади. ○ Ўқувчиларга тухумни пастга олиб тушиш ва уни пастда туриб тутиш мумкин эмас. ○ Сиз кечроқ, дарсда тақризлар қолдириш учун ишни кузатишингиз керак. ○ Ўқувчилар ўзларининг муваффақиятларини ва топшириқ билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қиладилар. (60 дақиқа) ● Сиз кузатган гуруҳнинг динамикаси ҳақида синфга гапириб беринг. Бу иш самаралироқ гуруҳларда қуйидагилар кузатилганини таъкидлаши керак: <ul style="list-style-type: none"> ○ айрим одамлар ва жамоадаги яхши кайфият ○ энг яхши жамоавий иш ○ одам ва жамоа учун меҳнат унумдорлигининг ошиши ○ ўзининг билимлари ва тажрибалари билан бўлишишга тайёр одамлар (20 дақиқа) ● Спецификация контекстидаги ўқитиш ва дарснинг хулосалари, ишдаги яхши муносабатларнинг узоқ муддатли афзалликларини таъкидлаб ўтинг. (10 дақиқа)
<p>Якуний машқ (20 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқувчилар баҳолаш бўйича ўқув қўлланмадаги 1 – топшириқни бажарадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – Модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	4

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни гуруҳдаги ишга оид муносабатларга ёмон ўзаро муносабатлар ва хулқнинг таъсири билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> 50 тадан бошқотирмалар-пазллар (ҳар бир гуруҳга биттадан).
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Олдинги дарсларни ва гуруҳлар бажарган машқлардан асосий кузатувларни санаб утинг.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Асосий машқлар (100 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар жуфт бўлиб жамоа ишининг унумли бўлишига ёмон муносабатларнинг таъсирини аниқлайдилар ва синфнинг бошқа аъзоларига ўзларининг хулосаларини тақдим этадилар. (10 дақиқа) • Тўртта одамдан иборат олдиндан аниқланган гуруҳларга бошқотирмалар-пазллар тарқатилади (50 та элемент). <ul style="list-style-type: none"> ○ Дарсдан олдин гуруҳнинг битта аъзосига қутичанинг ичидан битта элемент берилади, лекин гуруҳнинг бошқа аъзолари буни билмайдилар. ○ Ўқувчиларга бошқотирмани тугатиш учун 45 дақиқа берилади. Ўқувчи етишмаётган қисм унда эканлигини қачон кўрсатишни ўзи ҳал қилиши керак. ○ Машқлардан асосий кузатганларингизни ёзинг. (50 дақиқа) • Ўқувчилар бу машқ ҳақидаги фикрларини таърифлайдилар. (10 дақиқа) • Гуруҳларда ўқувчилар уларнинг иши унумли бўлиши учун нима халақит беришини муҳокама қиладилар. (10 дақиқа) • А2 мавзуга оид бўлимнинг мазмуни бўйича презентация билан қатнашинг. Ўқувчилар ва гуруҳларга ёмон муносабатлар ва хулқнинг гуруҳ муносабатларига таъсирини таъкидлаш учун ўзларининг ишларидаги мисоллардан фойдаланишни таклиф қилинг. Куйидагилар ҳақида гапириб беринг: <ul style="list-style-type: none"> ○ нимага одамлар ўзларини жамоанинг бир қисми эмасликларини ҳис қилишлари мумкин ○ иштиёқ қандай пасаяди ○ нимага якка ва жамоавий унумдорлик пасайиб кетиши мумкин ○ нимага одамлар бир-бирлари билан ҳамкорликда ишламасликлари ёки маълумотлар билан ўртоқлашмасликлари мумкин ○ нимага одамлар ўзларини керакли эканликларини ҳис қилмасликлари ёки бошқалар томонидан ақлий ёки жисмоний ажратишга дучор бўлишлари мумкин. (20 дақиқа)
<p>Яқуний машқ (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Модул мазмуни борасида дарсни кузатиш натижаларини умумлаштириш учун хулосалар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	5

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни ишдаги яхши муносабатларни ривожлантириш учун фойдаланиш мумкин бўлган усуллар билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланиш имконияти мавжуд қурилма.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Савол бериш ва ишдаги яхши муносабатларга ёрдам берадиган омиллар ҳақида суҳбатлашиш учун охириги дарснинг хулосаларидан фойдаланинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга ишдаги яхши муносабатларнинг ривожланиши учун нима қила олишларини аниқлашга ёрдам беринг. (10 дақиқа) • Ўқувчилар гуруҳларда ишдаги муносабатларнинг ривожланиши учун асосий ёрдам берувчи сўзларни ўрганадилар. Гуруҳда айрим ўқувчиларга қуйидаги мавзулардан бирини тадқиқ қилишни топшириш керак: <ul style="list-style-type: none"> ○ биринчи таассуротларни пайдо қилиш ○ шахсий ва ишдаги муносабатларни бошқариш ○ бошқа одамларнинг кўникмалари ва қобилиятларини тан олиш ○ бошқа одамлар билан мулоқот. (50 дақиқа) • Ўқувчилар ишдаги самарали муносабатларни қўллаб-қувватлаш усуллари «биринчи ўнлиги» нинг рўйхатини тузиш учун гуруҳларга бирлашадилар. (20 дақиқа) • Ўқувчилар синфнинг бошқа қисми билан ўзларининг рўйхатларини ўртоқлашадилар. (10 дақиқа)
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • В1 Модули мазмунидан асос сифатида фойдаланиб, гуруҳли мунозарани хулосаланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	6

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни олдинги дарснинг назариясидан фойдаланиб, амалий вазиятда ишдаги яхши муносабатларнинг ривожланиши билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳ учун катта зефирли* битта пакет. (* Зефирнинг ўрнига қуритилган анжир ёки хурмо ишлатса бўлади) • Гуруҳ учун бир пакет спагетти.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Олдинги дарсни яқунлаш ва хулосалаш учун саволларни шакллантиринг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● Олдинги амалий машқдаги мисоллардан фойдаланиб, В1 даги бутун маълумотни қамраб олинг. (20 дақиқа) ● Тасодифий равишда тузилган гуруҳларга ўқувчиларни бўлинг (ўқувчилар гуруҳ рақамини шляпаннинг ичидан оладилар). Ўқувчиларга гуруҳларда машқлар бажариш учун йўл-йўриқ кўрсатинг: <ul style="list-style-type: none"> ○ улар спагетти ва зефирдан энг баланд ва мустаҳкам минора қуришлари керак ○ ишни режалаштиришда улар олдинги дарсларда ўрганганларидан фойдаланишлари керак (45 дақиқа) ● Ўқувчиларга бу фаолиятни мустақил ўйлаш учун вақт беринг. (10 дақиқа) ● Ўқувчилар яна гуруҳларга бирлашиб, қуйидаги саволларга жавоб берадилар: <ul style="list-style-type: none"> ○ нима яхши ўтди ○ нима яхши чиқмади ○ улар қайси кўникмаларга эга эдилар, лекин улардан фойдаланмадилар. (15 дақиқа)
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> ● В1 модулининг мазмунидан яна фойдаланиб, гуруҳларда машқларни бажаришда кузатганларингиз ҳақидаги тақризларни тақдим этинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	7

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни низо тушунчаси ва унинг сабаблари билан таништириш. • Ўқувчиларни низоли вазиятларни бошқариш ва олдини олиш усуллари билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Низолар ва уларни ҳал қилишнинг интернетдан олинган видео-намуналари.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Низоли вазиятларга олиб келган, гуруҳларда олдинги дарсларда бажарилган машқлардаги намуналардан фойдаланинг. Уларни низоларга мисол сифатидаги видеоклиплар орқали тасдиқлаш мумкин.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар низога олиб келган гуруҳли вазиятларни муҳокама қилиш учун жуфт бўлиб ишлайдилар. Муҳокамаларда қуйидагиларга эътибор бериш керак: <ul style="list-style-type: none"> ○ низонинг потенциал сабаблари қандай бўлган ○ низо қандай ҳал қилинган. • Жуфтликлар синфнинг қолган қисмига қайтадилар. (20 дақиқа) • Низоларнинг потенциал сабабларини ва низоларни ҳал қилиш усулларини аниқлаш учун биргаликдаги фаолият ҳақидаги тақризларни хулоса қилинг. (20 дақиқа) • Низоларнинг сабаблари ва уларни ҳал қилиш кўриб чиқилган В2 нинг мазмунини баён қилинг. (20 дақиқа) • Учта одамдан иборат гуруҳлар тузинг. В2 мазмунининг асосидаги ўқитишдан фойдаланиб, қуйидагиларни аниқлаш учун ўқувчилардан гуруҳда бажарилган машқлардаги низоларни кўриб чиқишларини сўранг: <ul style="list-style-type: none"> ○ низоларнинг потенциал сабаблари қандай бўлган? ○ вазиятни ҳал этиш учун нимани бошқача қилиш мумкин эди. (30 дақиқа)
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Низоларни ҳал қилиш учун бешта энг яхши иш-ҳаракатларнинг ва низо пайтида қилиб бўлмайдиган бешта иш-ҳаракатларнинг рўйхатларини тузиш учун синф билан ишланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	8

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга баҳолаш бўйича 2 – топшириқ ни бажариш имкониятини тақдим этиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма. Баҳолаш учун иш дафтари.
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Олдинги дарсларнинг асосий томонларини муҳокама қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтаридан фойдаланадилар ва 2 – топшириқни бажариш учун тадқиқотлар ўтказадилар. Ўқувчиларга ёрдам бериш ва уларнинг саволларига жавоб бериш учун тайёр тулинг.
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> 2 – топшириқда баҳоланган ўқитиш ва модулнинг бошқа қисмлари ўртасидаги алоқани аниқланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	9

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни одамлар билан мулоқот кўникмаларининг амалий намуналари ва мақсадлари билан таништириш. • Ўқувчиларни коммуникатив кўникмаларнинг амалий намуналари ва мақсадлари билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурима. • Постерларни тайёрлаш учун жиҳоз.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳ олдин самарали ишлаганини, одамлар билан мулоқотнинг яхши кўникмалари ва алоқа кўникмалари ишдаги самарали муносабатларни қандай белгилаб беришини мисолларда таърифланг.
Асосий машқлар (85 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ишдаги муносабатларни ўрнатишда алоқанинг асосларини ва унинг асосий таркибий қисмларини тушунтиринг. У қуйидаги кўникмаларни ўз ичига олади: <ul style="list-style-type: none"> ○ ишонарли бўлиш ○ ошқа одамларнинг фикрларини эшитиш ○ тегишли тана ҳаракатини намойиш қилиш ○ тараққиёт ҳақида бошқаларни хабардор қилиш ○ потенциал низоли вазиятларни бошқариш. (15 дақиқа) • Иккита ўқувчидан иборат гуруҳлар тузинг ва улардан тадқиқот ўтказишларини ва синф хонаси учун плакатлар тайёрлашларини сўранг. Бу мулоқотнинг самарали кўникмаларини аниқлаб берадиган кейинги амалий фаолиятда ёрдам беради. (45 дақиқа) • Сўнг ўқувчилар камчиликларни ёки кўздан қочирилган фойдали мисолларни аниқлаш учун бир-бирларининг плакатларини кўздан кечирадилар. (10 дақиқа) • Самарадорлик шарҳларининг ва иш ҳақидаги тақризларнинг фойдалилигини муҳокама қилинг. Гуруҳ фаолияти доирасида синфдан шундай турдаги маълумотларни йиғишда фойдаланиш мумкин бўлган усулларни таклиф қилишларини сўранг. (15 дақиқа)
Яқуний машқ (15 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Амалиёт олдидан асосий ўқитишнинг ва сўнгги баҳолаш фаолиятининг хулосаларини яқунланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	10

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга ўзларининг одамлар билан мулоқот кўникмаларини қўллаш имконини яратиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> «Ҳазиналар қидириш» ўйини учун жиҳоз, ҳазиналарни қидириш учун Калитлар. Фотосуратлар чиқарадиган ва таҳрир қиладиган жиҳозлар.
--------------------------	--

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди
--

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Гуруҳли ҳаракатни тақдим этинг ва гуруҳлар ташкил қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар «Ҳазиналар қидириш» ўйинида иштирок этишлари учун тўрт ёки беш одамдан иборат ўқувчилар гуруҳларини тузинг. Бу ўйин улардан қуйидагиларни талаб этади: <ul style="list-style-type: none"> мактаб сайтдан фотосуратларни ёки тасвирларни олиш мактабга реклама учун кадрга тасвирлар йиғиш кадрларни бошқа ўқувчиларга тақдим этиш. (70 дақиқа) Сўнг ўқувчилар олдинги дарсда тасвирланган усуллардан фойдаланиб, топшириқ ҳақида фикр юритадилар. (20 дақиқа)
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар баҳолаш бўйича кейинги фаолиятлари жараёнида ҳисобга олишлари керак бўлган топшириқнинг хулосаларини яқунланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	11

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларнинг бошқалар билан самарали ишлаш қобилиятини баҳолаш (С Ўқитиш мақсади).
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма. Матнларни қайта ишлаш учун дастурий таъминот. Баҳолаш учун буклет.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Кейинги учта дарс давомида топшириқнинг хусусияти ва унинг бажарилишини тўрифлайдиган баҳолаш бўйича 3 – топшириқга кириш.
Асосий машқлар (110 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар кўрсатилган тармоқ учун карьерага доир йўриқнома тайёрлаш мақсадида баҳолаш учун иш дафтаридаги қўлланмалардан фойдаланадилар. Баҳолаш учун иш дафтаридаги ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги кузатув қайдларидан фойдаланинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	12

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларнинг бошқа одамлар билан самарали ишлаш қобилиятини баҳолаш (С Ўқитиш мақсади)
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилма. Матнни қайта ишлаш учун дастурий таъминот. Баҳолаш учун буклет.
--------------------------	--

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолаш учун 3 – топшириқнинг бажарилишини муҳокама қилинг, топшириқнинг тугатилишига таъсир қилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқланг.
Асосий машқлар (110 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар топшириқни ўрганадилар ва кўрсатилган тармоқ учун карьерага доир йўриқнома тайёрлаш мақсадида баҳолаш учун иш дафтаридаги қўлланмалардан фойдаланишда давом этадилар. Баҳолаш учун иш дафтаридаги ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги кузатув қайдларидан фойдаланинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	13

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларнинг бошқалар билан самарали ишлаш қобилиятини баҳолаш (С Ўқитиш мақсади)
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган қурилмалар. Матнни қайта ишлаш учун дастурий таъминот. Баҳолаш учун иш дафтари.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолаш учун 3 – топшириқнинг бажарилишини муҳокама қилинг, топшириқнинг тугатилишига таъсир қилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқланг.
Асосий машқлар (110 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар топшириқни ўрганадилар ва кўрсатилган тармоқ учун карьерага доир йўриқнома тайёрлаш мақсадида баҳолаш учун иш дафтаридаги қўлланмалардан фойдаланишда давом этадилар. Баҳолаш учун иш дафтаридаги ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳақидаги кузатув қайдларидан фойдаланинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	14

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга гуруҳ билан бажариладиган топшириқда ўзларининг натижаларини баҳолаш имконини тақдим этиш. • Ўқувчиларга келажакдаги амалиёт учун ривожланиш соҳаларини аниқлаш имконини тақдим этиш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтари.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (30 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳда ва якка ҳолда бажариладиган иш ҳақидаги қайта алоқани таъминланг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар жамоанинг бошқа аъзолари билан қайта алоқани таъминлайдилар, ундан сўнг топшириқ синфда муҳокама қилинади. • Ўқувчилар Баҳолаш учун иш дафтаридаги баҳолаш учун 3 – топшириқни текшириш босқичини тугатадилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	3 – модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш
Дарс рақами	15

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Модул натижаларини таҳлил қилиш. • Ўқувчиларни ишдаги яхши муносабатларни қўллашнинг кенгроқ соҳалари билан таништириш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун иш дафтари ҳақида тақризлар. • Қайдлар.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Бу модулда муҳокама қилинадиган концепцияларни санаб ўтинг ва ўқувчиларга ўзларининг фикрлари билан ўртоқлашишларини таклиф қилинг.
Асосий машқлар (100 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар курсни аввал кичик гуруҳларда, кейин эса якка ҳолда кўриб чиқадилар. Бу шарҳда улар фойдалироқ ва фойдаси камроқ, деб ҳисоблашган модулнинг қисмларини тақдим этишлари ва фикрларининг сабабларини айтиб беришлари керак. (20 дақиқа) • Ўқувчилар фойдали, деб ҳисоблаган ва фойдаси камроқ, деб ҳисоблаган модулнинг иккита қисмини танлайдилар ва уларни ёзиб борадилар (сабабларини кўрсатиб). Бу ёзувлар ҳамма ўқувчиларга кўриниши учун флипчартлар / доскаларга илинади. (10 дақиқа) • Синф билан рўйхатни кўриб чиқинг ва ўқувчиларнинг жавоблар тоифасини тузинг. (20 дақиқа) • Ўқувчилар фойдалироқ, деб ҳисоблашган соҳаларни мустаҳкамлаш учун ушбу тоифалардан фойдаланинг ва улар фойдаси камроқ, деб ҳисоблашган соҳалар ҳам нима учун муҳимлигини тушунтиринг. (20 дақиқа) • Ўқувчилар сизнинг тақризларингизга ўз муносабатларини билдирадилар ва ўзгаришлар киритишни талаб қиладиган баҳолашнинг қисмларини тузатадилар. (20 дақиқа)

4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш

Ўқув қўлланма

Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади – самарали лидерларнинг асосий тавсифлари тўғрисидаги билимларини такомиллаштириш ва лидерликнинг муҳимлигини намойиш қилишдир. Модул, бир қанча амалий вазифаларни ўз ичига олади ва ўқувчиларга лидерликка турли ёндашувларнинг таъсирини синаб кўриш имкониятини беради. Шунингдек, ўқувчилар нафақат улардаги лидерлик қобилиятини баҳолашга ёрдам берувчи, балки уларнинг кўникмаларини амалиётда ривожлантирувчи жамоавий ишда иштирок этадилар.

Ўқувчилар интернетга уланган қурилмалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак. Модул, қўшимча амалий – жамоавий машғулотлардан фойдаланиш ҳисобига яхшиланиши мумкин.

А мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар лидерлик таърифини тушуна олишлари ва самарали лидерларнинг хусусиятларини аниқлай олишлари керак. Ўқувчилар, лидерликнинг турли услублари билан танишадилар ва уларга бундан амалий жамоавий иш давомида фойдаланиш имконияти берилиши керак.

В мақсадини ўрганиш учун ўқувчилар, бошқаларни бошқариш учун керак бўлган кўникмаларни билишлари керак, яъни:

- вазифа ва тадбирларни тақсимлаш;
- мақсадга эришиш учун жамоа аъзоларини қўллаб-қувватлаш;
- вазифа бажарилганлиги юзасидан фикр ва мулоҳазалар билан алмашилиш;
- қарорларни қабул қилиш.

В мақсадни ўрганишнинг амалий баҳоси — ўқувчиларга ушбу барча кўникмаларни тўлиқ ривожлантириш имкониятини тақдим этишдир.

С МАқсадини ўрганиш учун ўқувчилар, ўзларининг амалий лидерлик сифатларини аниқ баҳолай олишлари лозим. Топшириқ муваффақиятли яқунланиши, бажарилиши мажбурий бўлган шарт эмас, бироқ ўқувчилар лидерлик кўрсаткичларининг ривожлантирилиши лозим бўлган соҳаларини аниқлашлари учун уларда, фикр-мулоҳазалар алмашинуви манбасига чиқиш имкони бўлиши керак.

Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

4-Модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш

Кириш

Ушбу модулда ўқувчилар лидерликнинг турли услублари билан ва муваффақиятли лидернинг асосий хусусиятлари билан танишадилар. Кўп сонли амалий машғулотлар давомида, улар самарали лидерликни аниқлаш ва қўллашни машқ қиладилар. Сўнгра, бу машғулотлар келгусида яхшиланиши ва такомиллашиши мумкин бўлган лидерлик соҳаларини аниқлаш учун фойдаланилиши мумкин.

А ўқитиш мақсади – Лидерликнинг асосий хусусиятларини билиш

- Ўқувчилар «лидерлик» атамасини тушунишлари ва муваффақиятли лидерларни аниқлай олишлари керак. Машхур лидерлардан кейс-стади сифатида фойдаланиш, ўқувчиларга самарали ишни аниқлашга ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни ушбу лидерлар муайян вазиятларда қандай йўл тутишлари тўғрисида ўйлаб кўришга ундаш керак.
- Ўқувчилар турли лидерлик ёндашувлар таъсирини аниқлай олишлари керак. Бу тушунча, гуруҳ машғулотлари ёрдамида ривожлантирилиши мумкин. Улар раҳбарнинг муайян вазифаларини бажариш мобайнида, бундай хусусиятлар кучаядиган вазиятларни яратадилар. Масалан: вазифаларни қисқа муддатларда бажариш, одатда, бошқарувни авторитар услубларидан фойдаланишга олиб келади.

4-Модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
В ўқитиш мақсади – Самарали лидерлик сифатларини намоиш қила олиш
<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқувчилар бир қатор лидерлик кўникмаларини аниқлашни ва фойдаланишни билишлари керак. Бунга қуйидаги йўллар билан эришиш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> ○ лидерлик сифатларини намоиш қилувчи тақдимотлар; ○ лидерлик кўникмаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлайдиган амалий машғулотлар. ● Ўқувчилар бир қатор лидерлик кўникмаларини намоиш қилишга тайёр бўлишлари керак, шунингдек, улар қуйидагиларини бажара олишлари учун етарлича узоқ, давомий амалий ишларга жалб қилинадилар; <ul style="list-style-type: none"> ○ бошқаларнинг вазифалари ва ҳаракатларини тақсимлаш; ○ қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун жамоа аъзоларини қўллаб-қувватлаш; ○ фикр ва мулоҳазалар билдириш ва қабул қилиш; ○ қарорлар қабул қилиш.
С ўқитиш мақсади – Ўзининг лидерлигини самарали баҳолай олиш
<ul style="list-style-type: none"> ● Ўқувчилар, бир неча манбалардан фикр-мулоҳазаларни олиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. Ўқувчилар, самарали таҳлил учун бир нечта нуқтаи-назар кераклигини ва улар фақатгина муваффақиятга ёки бирор бир ишга асосланиб қолиши керак эмаслигини тушунишлари керак. ● Ўқувчилар, амалий фаолиятни ўйлашнинг муҳимлигини тушунишлари керак. Бунга амалий фаолият давомида олинган, тақдим этилган фикр-мулоҳазаларни англаш учун такрор имкониятлар ҳисобига эришилади.

ВТЕС нинг бошқа модул ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулга ҳаволаларга эга:

- 3-модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш.

Ресурслар

Веб-сайтлар

<https://www.huddle.com/blog/team-building-activities/>

мазкур сайтда тимбилдинг учун ғоялар тақдим этилган

https://www.mindtools.com/pages/article/newLDR_84.htm

мазкур сайтда лидерлик ҳақида асосий маълумотлар тақдим этилган

Pearson ҳар қандай ташқи интернет – сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ўқитувчилар учун ҳар бир веб-сайтдан синфда фойдаланишдан олдин, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, долзарб ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун улар кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтлардан танланган саҳифаларни сақлашни ва ўқувчиларга мактаб/коллежнинг ички интернет тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.

Иш схемаси

Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Ўқув соатлари	30
Дарслар сони	15
Дарсларнинг давомийлиги	2 соат
Бошқа модулларга ҳаволалар	3-модул: Ҳамкасблар билан ишга оид яхши муносабатларни ўрнатиш

Ўқитиш учун калитлар			
БМ	Баҳолаш машқлари	ММ	Материални мустаҳкамлаш
ТЭС	Таклиф этилган спикер	Т	Ташриф
МЎ	Мустақил ўқитиш	ИТ	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Лидер аслида ким?		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Модул ва унинг баҳосини тавсифланг. • Синфдаги муҳокама: Гуруҳларда «лидер» атамаси нимани англатишини ва лидерлик қандай қилиб намойиш қилинишини муҳокама қилиш. • Дастлаб мустақил, сўнгра, гуруҳда бажариш учун машқ: <ul style="list-style-type: none"> ○ Ўқувчилар, мустақил ишлайдиганлар, кимни мукамал лидер деб ҳисоблашларини аниқлаб олишлари, бу инсоннинг суратини олиши ва бу инсон кимлигини ва нима учун у муваффақият қозонганлигига қисқача таъриф бериши лозим. ○ Сўнгра, бу 3 ёки 4 кишидан иборат гуруҳларда муҳокама қилинади ва қолган барчаси асосида ягона «супер-лидер» яратилади. • Синфда бажариш учун машқ: Гуруҳлар, ўзларининг «супер-лидер» ини синфга таърифлаб беради ва синф турли лидерлик ролларининг муҳокамаси асосида «супер-лидер» ни яратади. • Якун: дарсдан қилинган хулосаларни умумлаштириш. 	<p>Газета/журнал ёки шунга ўхшаш нарса.</p> <p>Рақамли тасвирларни чоп этиш имконияти.</p> <p>Елим.</p> <p>Флипчарт.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
2	Лидерларни қандай хусусиятлари ажратиб туради?		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Лидерлар ўйнайдиган асосий ролларни батафсил таърифлаб, ўтган дарсни сарҳисоб қилинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Тасодифан аниқланган гуруҳ иштирокчилари (ҳар бир гуруҳда жуфт миқдорда ўқувчилар бўлиши керак, тахминан 4 киши), кичик копток нишонни 1 метр масофага кўчиришлари керак. Ҳар бир гуруҳда битта кузатувчи бўлиши керак. • Гуруҳда муҳокама қилиш: Кузатувчилар гуруҳ ичидаги гуруҳий фаолият давомида кўрган «лидерлик» тарафлари тўғрисида маълумот берадилар. • Синфдаги муҳокама: Кузатувчилар буни синфга маълум қиладилар, ўқитувчи эса, лидерлик билан боғлиқ таянч атамаларни ёзиб оладилар. Синфда муваффақиятли лидерликнинг турли тарафларини муҳокама қилинг. • Ўқитувчи бошчилигидаги машқ ва якун: Модулнинг мазмунига ҳавола қилган ҳолда, синфга самарали лидерларнинг асосий хусусиятларини таърифлаб беринг. 	<p>Олдинги машғулота қилинган қайдлар (1-дарс).</p> <p>Қоғоз.</p> <p>Оғир думалоқ объектлар, гуруҳ учун 1 та (барча предметлар бир хил шакл ва кўринишга эга бўлиши керак, масалан: шиша ёки темир коптоклар).</p> <p>Стуллар.</p> <p>Юпқа картон.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Лидерлик ёндашувларининг жамоавий натижага таъсири		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: олдинги дарсни такрорлаш. • Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот: Левин назариясига кўра «лидерлик» тушунчаси. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Уч гуруҳда ўқувчилар «заҳарли ботқоқлик» дан ўтишга ҳаракат қилишади (машғулот учун жойдан фойдаланилади). Танланган лидерлар, Левин бўйича 3 услубнинг биттасидан фойдаланадилар, аммо бу маълумот билан жамоанинг бошқа аъзолари билан бўлишмайдилар. Ўқитувчи дарс охирида фикр-мулоҳазаларни билан алмашилишни таъминлаш учун машғулотни кузатиб боради. • Синфдаги муҳокама: Жамоа аъзолари лидерлик бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан алмашишадилар (нима яхши иш бердию, нима йўқ) ва уларнинг фикрича машғулот давомида фойдаланилган услубни муҳокама қиладилар. • Якун: Модул материалларидан фойдаланган ҳолда, саволлар бериб, машғулотни бажариш давомида, қайси бошқарув услуги самаралироқ бўлганлигини аниқланг ва хулосалар қилинг. 	Бир неча иштирокчиларнинг вазнини кўтара оладиган турли объектлар, масалан: стуллар, ўриндиқлар, столлар, ёғоч тахталар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
4	Турли вазиятлар лидерликка қандай таъсир ўтказади		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: олдинги дарсни такрорлаш, савол/жавоб. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Ҳар бир гуруҳнинг лидери легонинг «якуний» моделини кўриб, ўз гуруҳига қайтади ва 20 дақиқа давомида уни қайта яратади. • Гуруҳдаги муҳокама: Ўқувчилар «тўлиқ» моделни кўрадилар ва уни фойдаланиладиган бошқарув услубининг таъсирини таҳлил қила туриб, ўзлариники билан таққослайдилар. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: 1-дарсда улар танлаган лидерларга қайтиб, синфни бошқаринг. Улар танлаган лидер, кўпроқ фойдаланадиган бошқарув услубни ўқувчилардан таърифлаб беришни сўранг. Лидерлар, лидерликнинг ҳар бир услубини намойиш қилишига, улар мисоллар келтира оладиларми? • Якун: Модул мазмуни билан дарсни кузатишни таққослаган ҳолда, хулосалар қилинг. 	Лего ёки шунга ўхшаш конструктор.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	Жамоаларни руҳлантириш (мотивация) учун фойдаланиладиган услублар		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: Лидерлик услублари белгиланган бўлиши мумкин эмас, деган ғояни мустаҳкамлаш учун олдинги дарсдаги хулосалардан фойдаланинг. Ўқувчиларга таниш бўлган мавзуга доир мисоллардан фойдаланинг (одатда, спорт тўғрисидаги мисоллар осон келтирилади) • Ўқитувчи раҳбарлиги остида тақдимот: Тематик мисоллардан (идеал видеороликлардан) фойдаланиб, руҳлантиришнинг аҳамиятини, лидерликнинг асосий хусусияти тариқасида тушунтириб беринг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Гуруҳда ўқувчилар ўн дона коптокни хонанинг бир томонидан иккинчи томонига кўчирадilar. Коптоқлар текис тахталарда кўчирилиши керак. Ҳар бир гуруҳда лидер белгиланади, аммо лидер ушбу ҳаркатларда жисмонан иштирок этолмайди. • Гуруҳда муҳокама қилиш: Гуруҳлар ўз жамоасининг кучли ва кучсиз томонларини, ҳамда лидерлик сифатларини муҳокама қиладilar. Шунингдек, улар фикр-мулоҳазалар билан алмашиш қанчалик осон бўлганлигини ва уларни қабул қилишда қандай муаммолар юзага келиши мумкинлигини муҳокама қиладilar. Ўқитувчи фикр-мулоҳазалар билан алмашиши, лидерликнинг муҳим элементи эканлигини қайд этади. • Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот ва яқун: А1 дан А4 гача бўлган модуллар контентидан фойдаланган ҳолда, гуруҳдаги муҳокамаларни умумлаштиринг. 	<p>Лидерлик амалиётидан мисоллар келтирилган тақдимот.</p> <p>Гуруҳ учун:</p> <ul style="list-style-type: none"> • 10 та теннис коптокчалари (ёки шунга ўхшаш бирор нарса) • Коптоқни кўчириш имкони бўладиган 30 см диаметрли 2 та ёғоч тахта • 2 та челак <p>Ғолиб жамоа учун соврин.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
6	А Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар баҳолаш учун ўз ишчи дафтарларида 1 – топшириқни бажарадилар. 	Баҳолаш учун ишчи дафтар.
7	Лидерлик сифатлари		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: А Ўқитиш мақсадини такрорлаш • Мустақил бажариш учун машқ: Ўқувчилар, ўзларининг лидерлик сифатлари ва кўникмаларини намойиш этадиган шахсий герб (эмблема) сани яратадилар, сўнгра уни синфда бошқалар билан бўлишадилар. • Ўқитувчи раҳбарлиги остида машғулот: Олдинги машқ натижаларидан фойдаланиб, В Ўқитиш мақсадининг мазмунини батафсил аниқлаштиринг ва ўқувчилар баҳоланадиган лидерлик сифатларини акс эттиринг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Уч кишидан иборат гуруҳларда ишлай туриб, ўқувчилар мужассамлаштирилган гербни яратадилар ва жамоани тақдим этувчи номни ўйлаб топишади. Агар синф учга бўлинмаса, бир ёки икки кучли номзодни танлаб олинг, улар умумий раҳбар бўлиб, барча гуруҳларнинг лойиҳавий фаолиятини бошқарувчи сифатида чиқадилар. • Якун: 8 – 12 – дарслар бўйича ўқувчилар баҳоланиши керак бўлган лидерлик сифатларини ва улар қандай баҳоланишини санаб ўтинг. 	Флипчарт шаклидаги катта қоғоз варақлари. Рангли ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8-12	В Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Ўқувчилар ўзларининг баҳолаш учун ишчи дафтарларида 3 – топшириқ устида ишлайдилар. Ўқитувчи гуруҳни кузатади ва назорат қилади, хусусан, лидерлик кўникмаларини намойиш қилади. 	Баҳолаш учун ишчи дафтар.
13	Фикр-мулоҳазаларнинг муҳимлиги		<ul style="list-style-type: none"> • Кириш: 8 – 12 – дарсларнинг 2 – топшириқ бўйича умумий фикр-мулоҳазалар билан алмашилишни таъминланг. Бу машғулот, фикр юритиш учун танаффус қилишга мўлжалланганлигини тушунтиринг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Ўқувчилар, уч кишидан иборат гуруҳларда (А, Б ва С) ишлайдилар: А ва Б гуруҳлари орқама – орқа ўтирадилар; А гуруҳи расм чизади; Б гуруҳида тоза қоғоз бор; С гуруҳи Б гуруҳига, А гуруҳи нима чизаётганлигини тасвирлайди, ва Б гуруҳи буни чизишлари керак. Фақатгина рассомлар ва кузатувчилар ўртасида муҳокама қилишга йўл қўйилади ва чизилган объектнинг номи айтилиши мумкин эмас. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: Охирги гуруҳий вазифа, фикр – мулоҳазалар билан алмашилишга асосланганлигини ва уларнинг сифати қанчалик яхши бўлса, натижа ҳам шунчалик яхши бўлишини тушунтиринг. 	Чизиш учун материаллар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	С Ўқитиш мақсадини баҳолаш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи ва гуруҳ бошчилигидаги машқ: Ўқувчилар ўз тенгдошлари учун фикр – мулоҳазалар билан алмашилиш акс эттирилган варақларни тайёрлайдилар ва 2 – топшириқдаги лидерлик кўникмалари тўғрисида хабар беришади. Бу пайтда ўқитувчи навбатма – навбат ўқувчиларга фикр-мулоҳазалари билан алмашилишни тақдим этади. • Баҳолаш машқлари: Ўқувчилар баҳолаш учун ишчи дафтарларида 3 – топшириқни бажарадилар. 	Баҳолаш учун ишчи дафтар.
15	Модулни кўриб чиқиш	БМ	<ul style="list-style-type: none"> • Савол-жавоблар сессияси: 4 – модул бўйича хулосалар қилиш учун сўровномадан фойдаланинг. • Гуруҳларда бажариш учун машқ: Ўқувчилар 4 – модулнинг қайси тарафлари кўпроқ, қайсилари камроқ фойдали эканлигини аниқлаш учун стикерлардан фойдаланадилар. • Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама: 4 – модулнинг ўқувчилар камроқ фойдали деб ҳисоблайдиган тарафларини муҳокама қилинг. 	Баҳолаш учун ишчи дафтарда фикр – мулоҳазалар. Стикерлар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	1

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни модулнинг мақсадлари ва баҳолаш методологияси билан таништириш. • Лидерлик концепцияси тўғрисида тасаввур уйғотиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Газета (ёки журнал) • Рақамли тасвирларни чоп этиш имконияти • Елим лента ёки елим • Флипчарт
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг мақсади ва баҳолаш усулларини тушунтириш.
Асосий машқлар (100 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • «Лидер» атамаси ва у ўқувчилар учун нимани билдиришини синфда муҳокама қилиш (10 дақиқа) • Мустақил ишлаб, ўқувчилар: <ul style="list-style-type: none"> ○ Ҳавас қиладиган лидерни танлайдилар; ○ Улар танлаган лидернинг расмини ва у тўғрисида маълумот олиб келдилар; ○ Лидернинг асосий хусусиятларини кўрсатувчи мисоллар билан бирга тушунтириб, лидер тўғрисида қисқача резюме яратадилар (20 дақиқа). • 3 ёки 4 кишидан иборат гуруҳларда, ўқувчилар ўз лидерларини муҳокама қиладилар ва турли лидерларнинг жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган, ўзларининг ягона «супер-лидер» ини яратадилар. Улар «супер – лидер» нинг асосий лидерлик сифатларини тушунтириб беришлари керак (30 дақиқа). • Гуруҳлар ўз ишларини бошқа гуруҳлар билан бўлишадилар ва бутун синфнинг «супер – лидер» и яратилади (10 дақиқа). • Ўқувчиларнинг эътиборини, раҳбарлик ролларини акс эттирувчи модул мазмунидаги асосий сарлавҳаларга қаратинг. Сўнгра, синф ушбу раҳбарлик ролларини намойиш қилиш учун кўпроқ мос келувчи «супер-лидер» ни аниқлаш мақсадида, биргаликда ишлайди (20 дақиқа).
Якуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Топшириқдан асосий кузатувларингизни тақдим қилинг ва лидерлар ўйнайдиган асосий ролларни кўриб чиқинг. Муваффақиятли лидерлар ўзларининг кучли томонларини барча ролларда кўрсата олишини, аммо бу лидерлар ҳам ривожланиши керак бўлган соҳалар мавжуд бўлишини қайд этинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	2

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни самарали раҳбарларнинг хусусиятлари билан таништириш • Самарали лидерликнинг асосий жиҳатларини ривожлантириш ва аниқлаш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги машғулотда қилинган қайдлар. • Қоғоз. • Оғир думалоқ объектлар, ҳар бир гуруҳ учун 1 та (барча предметлар бир хил шакл ва кўринишга эга бўлиши керак, масалан: шиша ёки темир коптоклар). • Стуллар. • Юпқа картон.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Лидер ўйнайдиган асосий ролларни белгилаб, ўтган дарсдаги машқни эсланг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Синфни гуруҳларга ажратинг. Умумий ҳолатда 4 кишидан (5 дақиқа). • Гуруҳларга коптокни 1 метр кенгликдаги жойга кўчиришлари кераклигини тушунтиринг. Ҳаракат фақатгина қоғоз ёки картон ёрдамида амалга оширилиши керак. Копток доим қоғоз/картон билан алоқада бўлиши керак. Ҳар бир гуруҳда, машқда иштирок этмайдиган битта кузатувчи бўлиши керак (40 дақиқа). • Гуруҳлар ўз қарорларини намойиш қилишади (5 дақиқа). • Кузатувчилар, гуруҳларга улар нимани кўпроқ ёки камроқ муваффақиятли бошқарув деб қабул қилишлари тўғрисида, фикр-мулоҳазаларини билдирадилар (10 дақиқа). • Ўқувчилар, синф муҳокамасида иштирок этадилар, кузатувчилар томонидан яратилган рўйхатларни кўриб чиқадилар ва яхши лидерлик хусусиятларининг умумий рўйхатини тузадилар (30 дақиқа).
Яқуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Модулнинг мазмуни учун гуруҳий фаолиятдаги мисоллардан фойдаланиб, яхши лидерлар томонидан кўрсатилган хусусиятларни аниқланг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4 – модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	3

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни лидерлик услублари билан таништириш • Ўқувчиларга турли лидерлик услубларидан фойдаланиш ва уларнинг таъсирини ўйлаб кўриш имконини тақдим этиш
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Левин назариясига кўра, лидерлик услублари тўғрисидаги ТС. • Бир неча иштирокчиларнинг вазнини кўтара оладиган турли объектлар, масалан: <ul style="list-style-type: none"> ○ Стуллар; ○ Ўриндиқлар; ○ Столлар; ○ Ёғоч тахталар. • Катта кенг синф хонаси ёки спорт зал.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдинги дарсни такрорлаш ва лидерлар кўрсатган турли ёндашувлар тўғрисида ўйлаб кўриш.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Спецификацияда келтирилган, резюмега ҳавола билан Левин назарияси бўйича лидерлик услубларининг тақдимотини намойиш қилиш (1939). Ўқувчилардан бошқарувнинг ҳар бир услубига мисол келтиришларини сўранг (20 дақиқа). • Ўқувчиларни учта бир хил гуруҳларга ажратинг (ҳар бир гуруҳда камида 3 тадан ўқувчи). Улар «заҳарланган ботқоқлик», яъни полга тегинмасдан майдонни кесиб ўтишлари кераклигини айтиб ўтинг. <ul style="list-style-type: none"> ○ Барча гуруҳлар полга тегмасдан «ботқоқликдан» ўтишлари шарт. ○ Ўқувчиларга жиҳозларнинг кенг танловини тақдим этинг; бироқ уларнинг миқдорини чегараланг, шунинг учун гуруҳлар тез танлашларига тўғри келади. Ҳар бир гуруҳда лидерни белгиланг ва ҳар бир лидерга Левин рўйхатидан келиб чиқиб биттадан услуб беринг. ○ Дарс охирида фикр-мулоҳаза алмашилишни билдириш учун машқни кузатиб боринг (40 дақиқа). • Машқлар давомида сиз кузатган синф олдидаги ўша динамикани белгиланг. Сўнгра, гуруҳлар куйидагиларни муҳокама қилишлари лозим: <ul style="list-style-type: none"> ○ Улар машқларни бажариш давомида ўзларини қандай ҳис қилишган. ○ Уларнинг лидери қандай услубни қўллади. ○ Бу услуб уларнинг жамоаси ишига қандай таъсир кўрсатди (20 дақиқа). • Ҳар бир лидерлик услубининг афзалликлари/муваффақиятларини ажратиб, спецификация контекстида, дарс ва машғулотларни умумлаштиринг ва қайси лидерлик услуби энг самарали бўлганлигини маслаҳатлашинг (10 дақиқа).
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Очиқ тақдимотга қайтинг ва машқлардаги мисоллардан фойдаланиб, Левин бўйича 3 – лидерлик услубларининг асосий жиҳатларини акс эттиринг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	4

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни лидерликка ёндашувни танлашда турли вазиятларнинг таъсири билан таништириш
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Лего ёки шунга ўхшаш конструкторнинг тўлиқ йиғилиб, гуруҳдан беркитилган модели • Тайёр моделни қайта яратиш учун ҳар бир гуруҳга етарли бўлган миқдордаги Лего (ёки ўхшаш конструктор) • Лидерларнинг хулқ карточкалари • Фолиблар учун соврин
--------------------------	--

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўтган дарснинг материалларини ва гуруҳ ҳаракатларини асосий кузатувларини такрорланг.
Асосий машқлар (80 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Олдиндан белгиланган лидерлар билан ўқувчиларни 3 ёки 4 кишидан иборат гуруҳларга тақсимланг: <ul style="list-style-type: none"> ○ Лидерларга машқлар бошланишидан олдин, улар қандай хулқни намоён қилишлари тўғрисида маълумот берилиши керак. ○ Фақатгина лидерларга «тайёр» модел кўрсатилади (10 дақиқа) • Ҳар бир гуруҳнинг лидерлари ўз жамоа аъзоларига 20 дақиқа мобайнида тайёр моделни қандай қайта яратиш бўйича, йўриқнома берадилар. Энг муваффақиятли жамоани соврин билан тақдирланг (20 дақиқа) • Жамоалар бир – бирларининг моделларини кўрадилар ва уларни ҳақиқийси билан таққослайдилар (10 дақиқа) • Ғолиб жамоа, нима сабабдан улар энг муваффақиятли бўлишганлигини ва лидерлик услубини уларнинг муваффақиятига таъсирини синфга тушунтириб берадилар. Сўнгра, бошқа гуруҳлар, уларнинг гуруҳида нима яхши, нима эса, ёмон ишлаганлигини муҳокама қилишади (10 дақиқа) • Энди ўқувчилар, улар 1 – дарсда кузатган лидерларга қайтишади. Аниқ мисоллардан фойдаланган ҳолда, улар ўз шеригига ушбу лидер, асосан ишлатадиган бошқарув услубини тушунтириб берадилар (15 дақиқа) • Жуфтликлар ўз натижаларини асосий гуруҳга тақдим этишади. Ҳар бир ўқувчи тушунганлигини намоёиш қилиш учун, унинг шериги нима деганлиги тўғрисида маълумот бериши керак (15 дақиқа)
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Дарс якунида модул мазмуни бўйича якуний муҳокама ўтказинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4 – модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	5

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларни, лидерлар бошқа инсонларни қандай руҳлантириши билан таништириш
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар танишган бўлиши керак бўлган лидернинг кейс-стади ТС си (қанчалик долзарб бўлса, шунчалик яхши; қоида тариқасида, спортга оид мисолларни топиш осонроқ бўлади) Гуруҳ учун: 10 та теннис коптокчалари (ёки шунга ўхшаш бирор нарса); Коптокни кўчириш имкони бўладиган 30 см диаметрли 2 та ёғоч тахта; 2 та челак. Ғолиб жамоа учун соврин Кўпроқ очиқ майдон
--------------------------	--

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФС:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Лидерлик услублари аниқ белгиланган бўлиши мумкин эмас, деган ғояни мустаҳкамлаш учун олдинги дарсдаги хулосалардан фойдаланинг. Раҳбарликдаги вазиятга оид ўзгаришларни акс эттириш учун кейс-стадидан фойдаланинг.

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
<p>Асосий машқлар (80 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Лидерлар бошқаларни ишга руҳлантириши усулларини акс эттирувчи видеоклиплардан фойдаланиб, олдиндан тақдимот тайёрланг. Уларни асосан спорт тадбирлари тўғрисидаги фильмлардан топиш мумкин бўлади (20 дақиқа). • Синфни тенг миқдордаги иштирокчилар бўлган жамоаларга тақсимланг: <ul style="list-style-type: none"> ○ Жамоа лидерини белгиланг. Лидер топшириқда иштирок этолмайди ва ҳеч нарсани ушлаши мумкин эмас, аммо у жамоани руҳлантириши ва йўриқнома билан таъминлаши зарур. ○ Ҳар бир гуруҳга 2 тадан тахта, 2 тадан челақ ва 10 тадан теннис коптокларини тарқатинг. ○ Гуруҳлар фақатгина тахталарни ишлатиб, имкон қадар тезроқ коптокларни бир челақдан иккинчисига солишлари лозим. Улар якунлагач, тўла челақни топшириқ бошлаган жойларига қайтаришлари лозим. Тахтада кўчириш мумкин бўлган коптоклар сони чекланмаган. ○ Машқларни ўтказиш давомида, ҳамма иштирокчиларнинг хавфсизлигини инобатга олиш лозим, масалан: тахталар ракетка сифатида ишлатилиши мумкин эмас. ○ Қўшимча рағбатлантириш тариқасида, ғолибга соврин тақдим этилиши мумкин (20 дақиқа). • Гуруҳлар топшириқни бажариш давомида, нима яхши ва нима ёмон ўтганлигини муҳокама қилишади (10 дақиқа). • Гуруҳлар ўз гуруҳларидаги лидерлик услуби ва руҳлантириш ёндашувини муҳокама қиладилар ва фикр-мулоҳазалар алмашинишга тайёрланадилар (10 дақиқа). • Гуруҳлар ўз натижаларини бошқалар билан бўлишадилар (10 дақиқа). • Олинган натижаларни умумлаштиринг ва бошқарувга бўлган ёндашувлар, тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратинг. Тақдим этилаётган фикр – мулоҳазаларнинг сифатини баҳоланг ва фикр-мулоҳазаларни тақдим этиш ва қабул қилишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни муҳокама қилинг (10 дақиқа).
<p>Якуний машқ (10 дақиқа)</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Асос тариқасида А1 дан А4 гача бўлган модулларни мазмунидан фойдаланиб, синф муҳокамаси юзасидан хулосалар қилинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	6

Дарс мақсадлари	Ўқувчиларга баҳолаш топшириғидан 1-топшириқни бажариш имкониятини бериш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланган қурилмалардан фойдаланиш имконияти. Баҳолаш учун ишчи дафтар.
--------------------------	---

Калитлар: **МР:** машқлар рўйхати; **ФШ:** Форма шаблони; **ТС:** тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар билан олдинги дарсларнинг асосий вазиятларини таянч атамаларга ва уларнинг иш жойида қўлланилиши ҳақидаги саволлардан фойдаланган ҳолда, муҳокама қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар, ўзларининг баҳолаш учун ишчи дафтарларидаги баҳолаш машқининг 1-топшириғини бажарадилар. Баҳолаш топшириғини бажариш давомида, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг саволларига жавоб беришлари лозим.
Яқуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Баҳолаш машқининг 1 – топшириғидаги, ўқитишни баҳолаш ва бошқа модулларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб беринг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	7

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни, улар баҳоланадиган асосий лидерлик кўникмалари билан таништириш. • Ўқувчиларни 2-топшириқнинг баҳолаш машқларининг хусусиятлари билан таништириш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Флипчарт. • Рангли ручкалар.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • В Ўқитиш мақсади контекстидаги олдинги машқларга хулоса қилинг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларнинг фикрича, уларнинг шахсий бошқарув услубини акс эттирадиган, ўз гербларини (эмблема) яратадилар (20 дақиқа). • Ўқувчилар ўз гербларини билан гуруҳда бўлишишадилар (20 дақиқа). • 8-12 дарсларда ўтадиган баҳолаш машқлари учун жамоаларни шакллантиринг. Жамоалар уч кишидан иборат бўлишлари керак, бироқ улар сони уч кишига бўлинмаса, қуйидаги вариантлардан фойдаланиш мумкин: <ul style="list-style-type: none"> ○ кучлироқ иштирокчи учун лойиҳа устида умумий раҳбарлик ролини яратиш; ○ ҳар бир гуруҳга лойиҳа раҳбарини тайинлаш, ва бунда раҳбарлар асосий вазифаларни бошқаришни ўз зиммаларига олишади; ○ бюджет, вақтни бошқариш ва ресурсларни бошқариш каби бўлинмалар бошлиқларини тайинлаш (10 дақиқа). • Сўнгра ҳар бир гуруҳ, жамоа номини ва ўз гуруҳи учун мужассамлашган гербни яратадилар (40 дақиқа).
Яқуний машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар, кейинги 5 та дарс давомида баҳоланадиган, «Лидерликнинг хусусиятлари» мавзусида савол ва жавоб шаклида яқунланг ва унда фойдаланиладиган баҳолаш усуллари ҳақида айтиб беринг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4 – модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	8-12 (10 соат)

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчиларга 2 – топшириқни баҳолаш машқини яқунлаш имконини бериш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> Интернетга уланган қурилмалардан фойдаланиш имконияти Баҳолаш учун ишчи дафтарлар.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Асосий машқлар (120 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар 2 – топшириқда ёритилган, гуруҳ учун машқни якуний баҳолаш учун ишчи дафтарлардан фойдаланадилар. Ўқитувчи машғулоти кузатиб боради ва қўллаб – қувватлаш учун машғулоти давомида уларга йўналтирувчи саволлар беради.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	13

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Фикр-мулоҳазалар алмашишнинг муҳимлигига алоҳида урғу бериш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Чизиш учун материаллар.
--------------------------	---

Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (10 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Лидерлик кўникмаларини ривожлантириш учун фикр – мулоҳазалар алмашинувининг муҳимлигини тушунтириб беринг. Фикр-мулоҳазани нафақат қабул қилиш, балки унга ҳам фикр билдириш лозимлигига урғу беринг.
Асосий машқлар (90 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларни 3 ёки 4 кишидан иборат гуруҳларга ажратинг ва уларга қуйидаги ролларни белгиланг: <ul style="list-style-type: none"> 1 – рассом; 2 – рассом; кузатувчи(лар). ○ 1 – рассом 2 – рассомга орқама – орқа ўтириб объект чизиши керак. ○ 1 – рассом расмни уч босқичда чизиши керак: контур; ранг; тайёр нусха. ○ Ҳар бир босқичдан сўнг, кузатувчи 2 – рассомга йўриқнома бериши керак. 1 – рассом чизган объектни номини айтмай, уни чизиш учун кузатувчи 2 – рассомга йўриқнома беради. ○ Мунозара фақатгина рассомлар ва кузатувчилар ўртасида бўлишига йўл қўйилади ва чизилган объект номини айтиш мумкин эмас (30 дақиқа). • Ўқувчилар ўз гуруҳларида расмларни таққослайдилар ва 2 – рассомга 1 – рассом чизиб бўлган тайёр расмга яқин қилиб, чизишга нима ёрдам бериши мумкинлигини муҳокама қилишади (20 дақиқа). • Сўнгра, иштирокчилар роллари билан алмашишади ва машқни такрорлашади (20 дақиқа). • Самарали фикр-мулоҳазалар билан алмашишнинг аҳамияти ҳақидаги, якуний синф муҳокамасини ўтказинг (20 дақиқа).
Якуний машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Синфда фикр-мулоҳазалар алмашинувининг сифати тўғрисида, гуруҳий хулосаларни муҳокамасини ўтказинг, сўнгра самарали фикр-мулоҳазалар алмашишни таъминлаш учун нималар қилиш мумкин ва нималар қилиш мумкин эмаслигини рўйхатини тузинг.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3-даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4-модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	14

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчиларга гуруҳ машқларида ўз ишини таҳлил қилиш имконини бериш. • Ўқувчиларга келгуси амалиёт учун ривожланишнинг йўналишини аниқлаш имконини бериш.
------------------------	--

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун ишчи дафтарлар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФС: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Асосий машқлар (120 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқувчилар, жамоанинг бошқа аъзолари билан фикр – мулоҳазалар алмашилишни таъминлайдилар. Шу билан биргаликда, ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. • Ўқувчилар баҳолаш учун ишчи дафтарларига 3 – топшириқ, баҳоловчи машқларни текшириш босқичини яқунлайдилар.

Дарс режаси

Малака	Pearson ВТЕС Ўзбекистон 3 – даража Касбий кўникмалар соҳаси бўйича Гувоҳнома
Модул	4 – модул: Иш жойида лидерлик қобилиятини ривожлантириш
Дарс рақами	15

Дарс мақсадлари	<ul style="list-style-type: none"> • 4 – модулни ўқитилишни кўриб чиқиш.
------------------------	---

Ресурслар рўйхати	<ul style="list-style-type: none"> • Баҳолаш учун ишчи дафтарда машқ тўғрисидаги фикрлар. • Стикерлар.
Калитлар: МР: машқлар рўйхати; ФШ: Форма шаблони; ТС: тақдимот слайди	

Машқлар	Ўқитувчининг қайдлари
Бошланғич машқ (20 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> 4 – модулда муҳокама қилинган концепцияларни сарҳисоб қилинг ва ўқувчиларга ўз фикрлари билан бўлишишни таклиф қилинг.
Асосий машқлар (100 дақиқа)	<ul style="list-style-type: none"> Ўқувчилар курсни аввал кичик гуруҳларда, сўнгра якка тартибда кўриб чиқадилар. Ушбу кўриб чиқишда, улар кўпроқ фойдали ва камроқ фойдали деб ҳисоблаган соҳаларни рўйхатини тақдим этишлари керак ва ўз қарорларининг сабабларини ёзма тарзда изоҳлаб кўрсатишлари керак. (20 дақиқа). Ўқувчилар фойдали деб ҳисоблаган модулнинг иккита қисмини ва камроқ фойдали деб ҳисоблаган модулнинг иккита қисмини танлаб оладилар, сўнгра, уларни стикерларга (сабаблари билан бирга) ёзиб оладилар. Сўнгра, уларни барча ўқувчилар кўра олишлари учун стикерлар флипчартлар/доскаларга жойлаштирилади (20 дақиқа). Синф билан рўйхатни кўриб чиқинг ва ўқувчиларнинг жавобларини тоифаларга бирлаштиринг (20 дақиқа). Ўқувчилар кўпроқ фойдали, деб топган соҳаларни кучайтириш учун тоифалардан фойдаланинг ва улар камроқ аҳамиятли, деб топган соҳаларни ҳам шунингдек, муҳимлигини сабабини тушунтириб беринг (20 дақиқа). Ўқувчилар сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга жавоб беришади ва таҳрирланиши керак бўлган ҳар қандай баҳолаш соҳаларини тўғрилайдилар (20 дақиқа).

For information about Pearson Qualifications, including Pearson Edexcel, BTEC and LCCI qualifications visit qualifications.pearson.com

Edexcel and BTEC are registered trademarks of Pearson Education Limited

Pearson Education Limited. Registered in England and Wales No. 872828
Registered Office: 80 Strand, London WC2R 0RL.

VAT Reg No GB 278 537121



ISBN 978-1-4469-6495-8
9 781446 964958 >